

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” кафедраси**

**“Жисмоний маданият” йўналиши битирувчи босқич талабалариниг  
педагогик амалиёти**

**ҚЎЛЛАНМА**



**Гулистон-2017**

**Комилов Ж.К.**“Жисмоний маданият” йўналиши битирувчи босқич талабаларининг педагогик амалиёти. Услубий қўлланма. Гулистон, 2017. 61 бет.

Ушбу услубий қўлланмада битирувчи босқич талабалари педагогик амалиётининг мақсад ва вазифалари, жисмоний тарбия бўйича ўқув ишларини режалаштириш, жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш, жисмоний тарбия дарсларида педагогик таҳлил ўтказиш, дарснинг пульс кўрсаткичлари ҳамда умумий ва мотор зичлигини аниқлаш, жисмоний тарбия бўйича синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилган.

Услубий қўлланма ГулДУ Ўқув-методик Кенгаши томонидан (2017 йил 30.09 даги 2-сонли мажлис баённомаси) нашрга тавсия қилинган.

**Масъул муҳаррир:** педагогика фанлари номзоди,  
доцент Байреков М.Г.

**Тақризчилар:** педагогика фанлари номзоди, доцент  
Эргашев Р.Н.  
олий тоифали ўқитувчи Пардаев Ш.Б.

## **СЎЗ БОШИ**

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиши, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909- сон қарори қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш жараёнида мутахассисларни назарий билимларини амалиётда қўллашга ўргатиш касбга йўналтиришдаги муҳим бўғим бўлиб ҳисобланади. Талабаларни бўлғуси касб фаолиятига амалий жиҳатдан самарали тайёрлашда педагогик амалиётнинг ўрни бекиёсдир. Талабаларни касб фаолиятига тайёрлаш амалдаги ўқув режасидаги ҳамма мутахассислик предметлар томонидан таъминланади

Узлуксиз ўқув ва педагогик амалиёт жараёнида қуидаги вазифалар ҳал қилинади:

-талабаларда педагогик касбга бўлган муҳаббатини, жисмоний тарбия ўқитувчиси бурчини сезиш туйғусини тарбиялаш;

-назарий билимларни бойитиш, чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда қўллаш, жисмоний тарбия тизимининг ҳар-хил звеноларида машғулот олиб бориша рейтинг назорати ўтказиш ва асосий шаклларни баҳолашга ўргатиш;

-жисмоний тарбия ўқитувчисининг касб фаолияти кўникмаларини, шахсий касб сифатларини ҳамда малакаларни ривожлантириш ва шакллантириш;

-ўз касбига бўлган билим талабини ошириш;

-талабаларда илмий тадқиқот ишларига бўлган қизиқиши ривожлантириш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадқиқот малакасини шакллантириш, машғулотлар жараёнида ўргатиш ва тарбиянинг энг самарадор усулларини излаш;

- талабаларни жамоа учун фойдали фаолиятларга жалб қилиш ва ўқув муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилашга ёрдам бериш;

-талабаларни ўқув-тарбиявий, спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил қилишда илғор тажрибалардан фойдаланишга ижодий ёндошишни ўргатиш;

Талабалар педагогик амалиёт жараёнида қуидаги педагогик касб асосларини эгаллашлари шарт:

-ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув- тарбиявий вазифаларни аниқлаш;

-ўқувчилар шахсини ва жамоасини ўрганиб чиқиши;

-педагогик фаолиятида жорий ва кўп йиллик режалаштиришни амалга ошириш, ўқув тарбия жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш;

-ўқув- ўрганиш жараёнида раҳбарликни амалга ошириш, билим бериш, тарбиялаш вазифаларини тўғри қўйиш ва ечишни амалга ошириш, ҳаракатларга ўргатишда зарур воситаларни тўғри танлаш ва қўллаш;

-жисмоний машқ машғулотлари жараёнида шуғулланувчилар шахсини шакллантириш;

-ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бориш ва уларни ўз-ўзини тарбиялашга йўналтириш;

-фаолларга ва жамоага тарбиявий таъсир этувчи усулларни аниқлаш, назоратни ташкил қилиш, ишни таҳлил қилиш ва якунлаш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга ошириш;

-“Саломатлик куни”ни ўтказиш;

-жойларда турли ўйинларни ташкил қилиш.

## **Бити्रувчи босқич талабаларининг педагогик амалиёти**

“Жисмоний маданият” бакалаврият таълим йўналиши тўртинчи босқич талабаларининг педагогик амалиёти умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва болалар-ўсмиirlар спорт мактабларида ташкил этилади ва ўтказилади.

Амалиётчи талаба ўқув-тарбия жараёнида ҳар-хил вазифаларни бажаришга мажмуавий ёндошади. Талаба педагогик касбга қизиқишини ўзининг билимдонлиги, чуқур ғоявий ишончлиги, юқори иродавий сифати ҳамда жамоатчилик фаоллиги билан кўрсатиши шарт. Амалиётчи ўзининг ташкилотчилиги, интизомлилиги ва меҳнатсеварлиги билан ажralиб туриш керак.

Талаба ўз фаолиятини ўқув муассасасининг Низомига асосан ташкил қиласди, муассасанинг ички тартибига риоя қилган ҳолда, маъмурият ва амалиёт раҳбарининг фармонига бўйсунади.

Педагогик амалиёт аниқ таълимий ва тарбиявий характерга эга бўлади. Амалиётнинг бош вазифаси- амалиётчиларни назарий-услубий ҳолатдан аниқ амалиёт шароитига ўргатишdir.

Талабалар билан машғулотлар асосан гурухларда индивидуал маслаҳат бериш, услубий-анжуман, ишлаб чиқариш йиғилишлари, мунозара, илғор тажриба алмашув тариқасида олиб борилади. Умумтаълим мактабларида педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари жисмоний тарбия ўқитувчиси касбига боғлиқ қўнимка ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда билимларни мустаҳкамлашдан иборат.

## **Бити्रувчи босқич талабалари педагогик амалиётининг вазифалари**

1. Талабаларда педагог касбига бўлган қизиқиши уйғотиш ва тарбиялаш, жисмоний тарбия ўқитувчиси учун зарур бўлган юқори савияли онгни, касбий ва шахсий сифатларни тарбиялаш.

2. Университетда эгалланган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, ҳамда уларни амалда мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси меҳнат фаолиятида қўллай билиш.

Амалиёт жараёнида IV- босқич талабалари қўйидаги кўникмаларга эга бўлади:

-ўқувчи шахсини ва ўқувчилар жамоасини (жамоанинг ижтимоий-психологик хусусиятини, ёшини ва шахсий-типологик ҳолатини) ўрганади;

-ўқув-тарбиявий жараённи режалаштириш ва назорат ишларини амалга оширади;

-ўқувчилар фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади (дарс олдига соғломлаштирувчи, таълимий ва тарбиявий вазифаларини қўяди ва ечади), харакатларга ўргатишда керакли восита ва ўргатиш усусларини қўллайди;

-хар хил ёшдаги ўқувчиларни мунтазам равища жисмоний соғломлаштириш машғулотларига жалб қилишни ташкил қиласди ва машғулот ўтказиш ишларини олиб боради;

- ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб боради ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига йўналтиради (тарбиявий вазифаларни танлайди ва ечади, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ташвиқот ва тарғибот қиласди);

-илғор педагогик тажрибаларни таҳлил қиласди ва умумлаштиради.

Амалиётчи талабаларнинг педагогик амалиёт бўйича фаолиятини баҳолашда улар томонидан педагогик кўникма ва малакаларни эгаллаш даражаси, назарий- услубий ва амалий тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳужжатларни услубий томондан сифатли тайёрлаши ҳисобга олинади.

**“Жисмоний маданият” ихтисослиги бўйича ЙУ-босқич талабалари учун  
умумтаълим мактабларидағи педагогик амалиёт**  
**Д А С Т У Р И**

**Мақсади:**

- «Таълим тўғрисида»ги Конун, «Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури» ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчисининг юксак профессионал ва психологик хусусиятларини тарбиялаш, талабаларда жисмоний тарбия ўқитувчиси касбига нисбатан қизиқишни уйғотиш, уларда жисмоний тарбия дарсларини юксак савияда ташкил қилиш ва ўтказиш малакаларини шакллантириш, машғулотлар жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишга ўргатиш.

**Вазифалари:**

- ҳар бир талабада педагогик фаолиятга нисбатан фуқаролик (онгли, қизиқарли) муносабатини шакллантириш;
- ижтимоий – сиёсий, умуммаданият ва психологик – педагогик фанларни чукур ўрганишга ижобий таъсирини ошириш, ўқитувчилик фаолиятининг турли функцияларини самарали амалга оширишга ёрдам берадиган зарур шахсий хусусиятларни тарбиялаш;
- талаба томонидан факультетда маҳсус фанлардан олинган билимларни чукурлаштириш ва мустаҳкамлаш, бу билимлардан амалий иш жараёнида ижодий фойдаланишга ўргатиш;
- мактаб ўқувчилари жисмоний тарбиясини ташкил этишнинг турли хил шакллари билан танишиш ва уларни амалга оширишда фаол қатнашиш;
- психология, педагогика, хусусий методикалардан олинган билимларга таяниб, талабаларни педагогик фаолиятининг турли кўринишларини ижодий ташкил этиш ва амалга оширишга ўргатиш: кичик, ўрта ва юқори синф ўқувчилари билан ўқув ишларини ташкил қилиш, мактаб кун тартибидаги соғломлаштириш тадбирларини ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш;

## **Ташкилий тадбирлар:**

- битирувчи босқич талабалари педагогик амалиётининг мазмуни ва уни ташкил этишга бағишлиланган факультет анжуманида қатнашиш. Мактаб педагогик жамоаси: директор, бўлим мудири, синф раҳбари, жисмоний тарбия ўқитувчиси билан суҳбат;
- мактаб ўқув–тарбия иш режасига асосан амалиёт даври учун шахсий иш режасини тузиш;
- амалиёт раҳбари, факультет ва мактаб маъмурияти томонидан ўтказиладиган бригада йиғлишида қатнашиш;
- якуний анжуманда қатнашиш.

## **Ўқув – методик ишлар:**

- жисмоний тарбия ўқитувчисининг йиллик иш режасига асосан бириктирилган синфлар учун ҳар бир дарс иш режасини ишлаб чиқариш;
- бириктирилган синф учун тематик режа асосида дарс конспектларини тузиш;
- мустақил равишда камида 12 та дарс ўтказиш, 10 та бириктирилган синфда, 2 та кичик синфларда;
- бригададаги дўстларининг 5-6 та дарс конспектини ўзаро таҳлил қилиш;
- бириктирилган синфда синов дарси ўтказиш;
- мустақил равишда кичик синфлардаги машғулотларни кузатиш;
- аввалдан тайёрланган схема асосида камида 8 та дарсни педагогик таҳлил этиш;
- дастурнинг ҳар хил бўлимлари бўйича 3 та дарсда хронометраж ва пульсометрия ўтказиш ҳамда олинган натижаларни баҳолаб, дарс мазмуни ва методикасини яхшилаш бўйича ўз хуносасини билдириш;
- амалиётчилар томонидан кузатилган дарсларнинг таҳлили ва муҳокамасида қатнашиш;
- амалиёт раҳбари томонидан ўтказиладиган методик машғулотларида қатнашиш;

- жисмоний тарбия ўқитувчиси билан биргалиқда шаҳар методик кабинети томонидан ўтказиладиган семинарларда қатнашиш. Бошқа мактабларда жисмоний тарбиянинг ташкил этилиши ва бошқа амалиётчилар билан тажриба алмашиш мақсадида базавий мактабларга сафар уюштириш;
- жисмоний тарбия ўқитувчиси билан биргалиқда синфдан ташкари ишларнинг режасини тузиш.

### **Жисмоний тарбия бўйича синфдан ташқари ишлар.**

- мактабдаги спорт тўгаракларидан бирида ишларини ташкил этиш ва камида 6 та ўқув-тренировка машғулоти ўтказиш;
- мактабнинг оммавий-спорт ишлари режаси асосида спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиша иштирок этиш;
- мактаб кун тартибидаги тадбирлардан биттасини маъсул бўлиб ўтказиш: машғулотгача гимнастика ёки физкультпауза;
- мактаб терма жамоасини шаҳар ва вилоят мусобақаларига тайёрлашда иштирок этиш;
- мактабнинг ўқув-спорт базасини яхшилашга ҳисса қўшиш, жихозларни таъмирлаш ва хакозо.

### **Бириктирилган синфда тарбиявий ишлар:**

- синф таркиби билан танишиш;
- синф раҳбарининг иш юритиш услуби билан танишиш;
- ҳар хил масалалар, предметлар бўйича дарсларни кузатиш, синф раҳбари томонидан дарсдан сўнг уюштириладиган тадбирларда қатнашиш;
- ўқувчилар билан шахсий алоқа ўрнатиш ва сухбатлашиш;
- ўқитувчининг тарбиявий иш режаси асосида амалиёт даври учун шахсий режа тузиш. Режада бириктирилган синф учун физкультура соғломлаштириш ва спорт тадбирлари ўз аксини топиши керак;
- спорт мавзусида диспут маъруза ва сухбатлар ўтказиш;
- аҳлокий мавзуда сухбат уюштириш;
- синф билан биргалиқда мактаб тадбирларида қатнашиш;

«Тасдиқлайман»  
**Факультет декани** \_\_\_\_\_ М.Байрбеков  
“ ” 2017 йил

**Жисмоний маданият факультети “Жисмоний маданият” йўналиши**  
**4-босқич талабаларининг педагогик амалиёт**  
**дастур-режаси**

<b>№</b>	<b>Ишнинг мазмуни</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъул</b>
1	Битирувчи босқич талабаларининг педагогик амалиёти ўтказиладиган мактаблар ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ўрганиш.	Янги ўқув йили бошлангунга қадар	Кафедра мудири
2	Педагогик амалиётнинг бошланишига бағишлиган ташкилий анжуман ўтказиши. Талабаларни амалиёт Низоми, дастури ва шахсий иш режалари билан таништириш.	Амалиёт бошланишидан 2-3 кун олдин	Факультет декани, кафедра мудири, амалиёт раҳбари ва методистлар
3	Педагогик амалиёт олиб бориладиган мактаб ва касб-хунар коллекларининг ички тартиб-қоидалари, педагогик жамоаси ва жойлашган худуди билан танишиш.	Амалиёт бошланишидан 2 кун олдин	Методист ўқитувчилар
4	Барча амалиётчи талабаларни техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш	Амалиёт бошланишидан 2 кун олдин	Методистлар
5	Методистлар раҳбарлигида бириктирилган таълим муассасаларига бориш. Мактаб маъмурияти ва амалиётга дахлдор ўқитувчилар иштирокида дастлабки йиғилишни ўтказиши. Талабаларни уларнинг хуқуқ ва бурчлари билан таништириш, уларга тегишли шароитни яратиш ва синфларга тақсимлаш.	Амалиётнинг биринчи кунида	Мактаб маъмурияти ва методист ўқитувчилар
6	Бириктирилган синф раҳбари билан танишиш, унинг иш режаларини ўрганиш.	Амалиётнинг иккинчи куни	Синф раҳбари ва амалиётчилар
7	Бириктирилган синф жамоаси ва фаоллари билан яқиндан танишиш.	Амалиётнинг иккинчи-учинчи кунлари	Синф раҳбари ва амалиётчилар
8	Бириктирилган синф учун жисмоний тарбия	Амалиётнинг	Фан

	бўйича фан ўқитувчисининг режалаштириш хужжатларини ўрганиш ва кўчириб олиш.	биринчи ҳафтаси давомида	ўқитувчиси ва амалиётчилар
9	Дарс жадвали бўйича методист раҳбарлигига белгиланган синфларда жисмоний тарбия дарсларида педагогик таҳлил ўтказишни бошлиш. Дарснинг педагогик таҳлилини тегишли қайдномага тўлдиришни ўрганиш.	Амалиётнинг иккинчи кунидан бошлаб	Методист ва амалиётчилар
10	Бириктирилган синфларда жисмоний тарбия дарсларини ўтиш учун ўқитувчи иш режаси бўйича тегишли синфлар учун дарс конспектларини ёзив бориш. Дарс конспектларини меъёрий талаблар даражасида шакллантиришни ўрганиш.	Ҳар ҳафтада 2 тадан бириктирилган синфга, 3 тадан қўшимча бошқа синфларга	Фан ўқитувчси раҳбарлигига, методист ва амалиётчи
11	Бириктирилган синфда таълим-тарбия жараёнининг йўлга қўйилганлигини ўрганиш. Синф ўкувчиларининг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаб бориш.	Амалиёт мобайнида	Синф раҳбари, амалиётчилар
12	Таълим муассасасида синфдан ташқари ишларнинг ташкил этилишини ўрганиш. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича синфдан ташқари иш шакллари билан танишиш. Тўгарак машғулотларида иштирок этиш.	Амалиётнинг биринчи ҳафтасидан бошлаб	Фан ўқитувчиси, методист, амалиётчи
13	Мактаб жисмоний тарбия жамоасининг йиллик иш режаси билан танишиш.	Амалиётнинг биринчи ҳафтасида	Фан ўқитувчиси, методист, амалиётчи
14	Ўтказиладиган дарслар учун кўргазмали материаллар ва слайдлар тайёрлаб бориш.	Амалиёт мобайнида	Методист, амалиётчи
15	Жисмоний тарбия фани бўйича бириктирилган синфларда дарсларни жадвал бўйича ўтишга киришиш.	Бутун амалиёт мобайнида	Фан ўқитувчиси, методист, амалиётчи
16	Амалиётчи талабаларнинг ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг дарсларини таҳлил қилиб бориш	Бутун амалиёт мобайнида	Фан ўқитувчиси, методист, амалиётчи
17	Синф раҳбари билан биргаликда бириктирилган синф учун тарбиявий иш режасидаги мавзулардан камида 2 тасига режа-матн тайёрлаш ва тарбиявий соатни ўтказиш	Амалиётнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб	Синф раҳбари, методист ва амалиётчи

18	Амалиёт мобайнида ҳудудий жиҳатдан яқинда жойлашган таълим муассасаси билан “Қувноқ стартлар” мусобақасини ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва ўтказиш.	Амалиёт мобайнида	Мактаб маъмурияти, жисмоний тарбия ўқитувчиси, методист, амалиётчи
19	Жисмоний тарбия ўқитувчиси ва талабалар томонидан ўтказилаётган дарсларнинг умумий ва мотор зичлигини аниқлаш (хронометраж ўтказиш).	Бутун амалиёт мобайнида. Камида 3 та	Методист, амалиётчи
20	Жисмоний тарбия ўқитувчиси ва талабалар томонидан ўтказилаётган дарсларнинг пульс кўрсаткичларини аниқлаш (пульсометрия ўтказиш).	Бутун амалиёт мобайнида. Камида 3 та	Методист, амалиётчи
21	Бириктирилган синфдаги иқтидорли ўқувчилар билан мулоқотга киришиш. Бириктирилган синф билан университет музейига, ахборот ресурс марказига, спорт залига ва тренажёр хонасига экскурсия ўюнтиришни режалаштириш ва ўтказиш.	Амалиётнинг учинчи ҳафтасидан охиригача	Методист ва амалиётчи
22	Бириктирилган синфа фанлар ва жисмоний тарбия бўйича ўзлаштиришда ортда қолаётган ўқувчиларга тегишли ёрдамни ташкил қилиш. Уларни педагогик-психологик ташхис қилиш.	Амалиёт мобайнида	Методист, синф раҳбари, амалиётчи
23	Спорт тури бўйича тўғарак иш фаолиятида иштирок этиб бориш.	Бутун амалиёт мобайнида	Тўғарак раҳбари, амалиётчи
24	Таълим муассасасида “Наврўз-2017” спорт мусобақаларини ўтказиш Низомини ишлаб чиқиш ва юксак савияда ўтказиш.	Амалиётнинг тўртинчи ҳафтасида	Фан ўқитувчилари методист, барча амалиётчилар
25	Синф ота-оналар кенгашининг иш режаси ва фаолияти билан танишиш. Муассасанинг бу йўналишдаги анъаналарини ўрганиш.	Амалиёт мобайнида	Синф раҳбарлари, методист, амалиётчи
26	Мустакил равишда тарбиявий тадбир ўтказиш. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти мавзусида тадбир ўтказиш.	Амалиётнинг учинчи ва тўртинчи ҳафтасида	Синф раҳбари, методист, амалиётчи

27	Синф жамоасига психологик-педагогик тавсифнома тайёрлаш.	Амалиётнинг учинчи ва тўртинчи ҳафтасида	Синф раҳбари, методист, амалиётчи
28	Педагогик амалиёт давомида тайёрланган хужжатларни тартибга солиш, амалиёт бўйича ҳисобот тайёрлаш. Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан алоқани давом эттириш мақсадида маслаҳатлашиш.	Амалиётнинг охирги ҳафтасида	Методист, амалиётчи
29	Синф раҳбари ва мактаб маъмуриятидан тавсифнома олиш.	Амалиёт охирида	Синф раҳбари, амалиётчи
30	Педагогик амалиёт якунларига бағишлиланган анжуманди иштирок этиш ва амалиёт бўйича ҳисобот бериш.	Амалиёт тугагандан кейин биринчи ҳафтада	Барча масъуллар

**Изоҳ:** Педагогик амалиётнинг дастур-режаси “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” кафедрасининг 2017 йил “ ” августдаги № 1-сонли мажлис баённомаси билан муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

**Кафедра мудири:**

**Ш.Султонов**

**“Жисмоний маданият” таълим йўналиши 4-босқич талабаларининг  
педагогик амалиёт бўйича фаолиятларини баҳолаш  
рейтинг ишланмаси**

<i>Баҳолаш тури</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	<i>Назорат сони</i>	<i>Балл</i>	<i>Тўплана диган балл</i>
<b>Жорий баҳолаш</b>	Бириктирилган синф учун йиллик иш режа тузиш (Жисмоний тарбия бўйича)	1	5	5
	Дарс конспектларини ишлаб чиқиш	20	0,5	10
	Бириктирилган синф учун тарбиявий иш режасини тузиш	1	5	5
	Жисмоний тарбия ўқитувчисининг дарсларида педагогик таҳлил ўтказиш	10	0,5	5
	Жисмоний тарбия дарсида пульсометрия ўтказиш	5	1	5
	Жисмоний тарбия дарсининг зичлигини аниқлаш (хронометраж ўтказиш)	5	1	5
	Бириктирилган синфда ва бошқа синфларда жадвал асосида дарс ўтиш	10	1	10
	Тарбиявий мавзуда синф соати ўтказиш	1	5	5
		<b>Жами</b>		<b>50</b>
<b>Оралик баҳолаш</b>	Мутахассислик бўйича очик дарс ўтказиш	1	10	10
	Мактабда спорт-соғломлаштириш тадбирини ташкиллаштириш ва ўтказиш	1	10	10
		<b>Жами</b>		<b>20</b>
<b>Якуний баҳолаш</b>	Амалиётга оид хужжатлар тўпламини тайёрлаш	1	10	10
	Тарбиявий характердаги хужжатларни тайёрлаш	1	10	10
	Амалиёт бўйича хисобот тайёрлаш	1	10	10
		<b>Жами</b>		<b>30</b>
	<b>Жами амалиёт бўйича</b>			<b>100</b>

**Кафедра мудири :**

**Ш.Султонов**

## АМАЛИЁТ БЎЙИЧА МЕТОДИСТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

1. Факультет томонидан амалиётга бағишлиб ўтказиладиган анжуман ва методик йиғилишларда қатнашиш.
2. Амалиёт ўтказиладиган мактаб маъмуриятини амалиёт режаси билан таништириш.
3. Амалиётчилар ва мактаб маъмурияти ўртасидаги сухбат – учрашувни ташкил этиш.
4. Мактаб директори ва жисмоний тарбия ўқитувчиси билан биргалиқда амалиётчиларни синфларга бириктириш ва уларга шахсий вазифалар бериш.
5. Мактабда амалиётчиларнинг барча бўлимлар бўйича ишларини ташкил этиш ва кузатиш.
6. Амалиётчиларга режалаштириш ва ҳисобот хужжатларини тузишда, дарсни ўтказишида, синфдан ташқари ишларни ташкил этишида услубий ёрдам бериш, талабаларни яқуний анжумандаги ҳисобот учун тайёрлаш.
7. Амалиётчилар томонидан ўтказилаётган дарсларни педагогик кузатишни бригадада таҳлил этиш ва сифатини баҳолаш.
8. Ҳар ҳафтада камида бир маротаба амалиёт саволлари бўйича бригадада йиғилиш ўтказиш.
9. Амалиётчиларнинг барча ўкув ва ҳисобот хужжатларини текшираш ва баҳолаш.
10. Синов дарслари графигини тасдиқлаш ва уларни таҳлил этиш.
11. Мактабда педагогик амалиёт якунига бағишланган анжуманни ўтказиш.
12. Амалиётчилар томонидан кафедрага барча ҳисобот хужжатларини топширилишини таъминлаш.

Тасдиқлайман»  
 амалиёт бүйича гурух  
 раҳбари \_\_\_\_\_  
 имзо. Ф.И.Ш.  
 «\_\_\_\_ » 2017 йил.

**Талаба \_\_\_\_\_ нинг № \_\_\_\_\_ мактабда  
 2017 йил «\_\_\_\_ » дан «\_\_\_\_ » гача педагогик амалиётни ўташ бўйича**

### **ШАХСИЙ ИШ РЕЖАСИ**

<b>№</b>	<b>Иш мазмуни</b>	<b>Бажарииш муддати</b>	<b>Бажарганлик ҳакида белги</b>
1	Амалиётга багишланган дастлабки анжуманда қатнашиш	27.03.2017 йил	Катнашилди
2	Мактаб маъмурияти билан учрашув	30.03.2017 йил	Ўтказилди
3	Мактаб директори, директор ўринбосари ва жисмоний тарбия ўқитувчиси билан сухбат	Хафта давомида	Ўтказилди
4			
5			
6			
7			

**ЭСЛАТМА:** Шахсий режа амалиёт даврининг ҳар бир хафтаси учун тузилади.

### **Амалиётчининг кундалиги**

<b>Сана</b>	<b>Бажарилган иш мазмуни</b>	<b>Йўриқчининг кўрсатмаси</b>
30.03.2017	Амалиётга багишланган анжуманда қатнашдим, сўнгра №_____ мактаб педагогика жамоаси билан танишдим. Мактаб директори, илмий мудир, жисмоний тарбия ўқитувчиси билан сухбатлашдим. Мактабнинг моддий – техник базаси билан танишдим. Сўнгра услугучимиз бизни синфларга тақсимлади. Менга 6 «А» синф биритирилди. Синф раҳбари Манзура Муродовна билан сухбатлашдим. Синф билан танишдим.	

## ДАРСЛАРНИ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УЧУН ВАЗИФАЛАР

Дарс ўтувчи амалиётчи талаба фаолиятининг қуидаги таркибий қисмлари тахлил қилинсин ва баҳолансин:

- дарс вазифаларининг тўғри тузилиши ва уларни ўқувчиларга тўғри етказиш, дарсни ташкил этиш, дарс жараёнида интизомни таъминлаш.
- ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш ва ўзини тутиши педагогик этикага тўғри келадими, буйруқлардан тўғри фойдаланадими ва маҳсус терминологиядан қай даражада фойдаланди?
- дарс вақтининг унинг қисмлари ва ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг алоҳида фаолият турлари орасида тақсимланиши.
- дарснинг алоҳида қисмлари мазмунининг ўзаро боғликлиги.
- дарс нагрузкасининг ўқувчилар ёшига, жинсига ва тайёргарлигига мос тушиши.
- дарсдаги ўқув материалининг ўқув вазифасига мослиги.
- дарснинг мотор зичлигини ошириш мақсадида қилинган ишлар.
- дарсда фойдаланилган метод ва методик усулларнинг самарадорлиги.

**ЭСЛАТМА:** Ҳар бир дарсда амалиётчи учун ушбу вазифалардан биттаси берилади. Натижа кундаликда кайд этилади.

**Мактабдаги жисмоний тарбия дарсини тахлил килиш**  
**СХЕМАСИ**

**1. Умумий маълумотлар.**

1. Мактаб \_\_\_\_\_
2. Синф \_\_\_\_\_
3. Руйхат бўйича укувчилар сони \_\_\_\_\_ та Дарсда қатнашди \_\_\_\_\_ та
4. Йил, ой, кун \_\_\_\_\_ -
5. Машғулот жойи \_\_\_\_\_
6. Ўқитувчининг исми, шарифи \_\_\_\_\_

**1. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги.**

*A. Дарс конспекти:*

1. Дарс вазифаларининг кўрсатилиши.
2. Вазифаларнинг тўғри қўйилганлиги.
3. Дарс вақтининг дарс қисмлари орасида тўғри тақсимланиши.
4. Конспектнинг умум қабул қилинган шаклга мослиги, терминологиянинг тўғрилиги.

*B. Машғулот жойининг тайёрлиги:*

1. Машғулот жойининг санитар – гигиена ахволи.
2. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги, спорт кийимларининг қабул қилинган меъёрга мослиги.
3. Машғулот жойининг ва керакли жихозларнинг уз вақтида тайёрланиши.
4. Ёрдамчиларнинг аввалдан тайинлаб куилиши.

*B. Ўқитувчининг дарсга шахсий тайёргарлиги:*

1. Ташқи қўриниши (озодалиги, спорт формасининг холати).

## 2. Ўқитувчи томонидан дарснинг ўтилиши.

А. Дарснинг кириш-тайёргарлик қисмини ўтилиши:

1. Дарснинг ўз вақтида бошланиши. Ўқувчиларни ташкил қилиш.
2. Дарс вазифаларини тушунтириш даражаси.
3. Дарснинг тайёргарлик қисмида шуғулланувчилар фаолиятини ташкил қилиш ва уларнинг мақсадга мувофиқлиги.
4. Машғулот жойидан фойдаланишининг унумдорлиги.
5. Машкни бажариб кўрсатиш учун жойнинг тўғри танланганлиги.
6. Сўз методидан фойдаланиш сифати. (буйрукларни тўғри бериш, тушунтиришнинг киска ва аниклиги, терминологияни билиш).
7. Машкни бажариб кўрсатишнинг сифати ва услубий аҳамияти.
8. ўргатиш методларидан туғри фойдаланиш.
9. Хатоларни олдини олиш ва туғрилаш қобилияти.
10. Тайёргарлик қисмининг умумий ва мотор зичлиги таҳлили.
11. Тайёргарлик қисмида фойдаланилган машқларнинг дарс асосий қисми вазифаларига мослиги.

Б. Дарснинг асосий қисмини ўтилиши:

1. Шуғулланувчилар фаолиятини ташкил этиш методларининг дарс вазифаларига, шуғулланувчилар ёшига ва дарс шароитига мослиги.
2. Машкни бажариш вақтида хавфсизлик қоидаларига риояқ килиниши, ўзаро ёрдам ва страховканинг ташкил этилиши.
3. Жисмоний тарбия методларига риоя қилиш.
4. Жисмоний сифатларни тарбиялаш методлари, уларнинг хар томонлама жисмоний ривожланиш вазифаларини хал этишдаги роли.
5. Нагрузканинг дарс мазмунига ва ўкувчилар хусусиятларига мослиги.
6. Хатоларни тўғирлаш максадида берилган кўрсатмаларнинг аҳамияти.
7. Ўқувчилар фаолияти устидан раҳбарлик қилиш усуллари, синфдаги интизом.

8. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш. Дарсга якун ясаш ва уйга вазифа бериш.
  9. Дарснинг умумий ва мотор зичлиги, дарс типига унинг вазифаларига ва шуғулланувчиларга мослиги.
  10. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан эришган ижобий ва йўл қўйилган салбий ҳолатларга муносабати (реакцияси).
  11. Дарс мобайнида болалар нималарни ўргандилар.
  12. Дарснинг эмоционал томони.
- В. Дарснинг якунлов қисми:
1. Якунлов қисмида фойдаланилган машкларнинг дарс вазифалариغا мослиги, организмни тинчлантиришдаги роли.
  2. Дарсга якун ясаш қобилияти.
  3. Дарснинг ўз вақтида тугаши.
  4. Машғулот жойидан чиқиб кетишни ташкил этиш.

### **3. Хулоса ва таклифлар.**

1. Дарс вазифаларининг бажарилиши. Конспектдан четга чикишнинг сабаби.
2. Ўқитувчи фаолиятидаги ижобий томонлар.
3. Соғломлаштирувчи, таълимий, тарбиявий нуқтаи-назардан дарснинг қиммати.
4. Ўқитувчи хатолари ёки салбий томонлари (шуғулланувчилар фаолиятини ташкил этиш ва ўргатиш методикаси бўйича) .
5. Дарснинг умумий баҳоси.
6. Дарсни ташкил этиш, дарс бериш техникасини яхшилаш; ўргатиш ва тарбия методикасидан фойдаланиш бўйича ўқитувчи тавсиялари ва кўрсаткичлари.

Дарсни таҳлил қилувчининг имзоси / /

Дарс ўтган ўқитувчининг имзоси / /

**Умумтаълим мактаблари 1-9 синф ўқувчилари учун Жисмоний тарбия бўйича ўқув соатларини дастур бўлимларига**  
**ТАҚСИМЛАНИШИ** (соатлар сеткаси)

Т/Р	Дастур бўлимлари	СИНФЛАР								
		1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Назарий билим асослари	Дарслар жараёнида								
2	Гимнастика	16	16	16	14	10	10	8	8	8
3	Енгил атлетика	13	16	16	18	14	14	14	16	14
4	Харакатли ва спорт ўйинлари	37	36	36	12	2	2	2	-	-
5	Спорт ўйинлари(волейбол,баскетбол,қўл тўпи)	-	-	-	12	20	20	20	20	20
6	Футбол ўйини	-	-	-	12	12	12	12	12	12
7	Кураш	-	-	-	-	10	10	12	12	14
8	Сузиш*									
	<b>Жами</b>	<b>66</b>	<b>68</b>							

**5-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия бўйича ўқув ишларини режалаштиришнинг йиллик режа графиги ( I-чорак)**

№	Дастур бўлимлари	Жами соат	Чораклар				Дарслар																	
							1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
			I	II	III	IV																		
1	Назарий билимлар		Дарслар жараёнида				Дарслар жараёнида																	
2	Гимнастика	10	-	4	6	-																		
3	Енгил атлетика	14	10	-	-	4	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W			
4	Харакатли ўйинлар ва спорт ўйинлари элементлари	2	2	-	-	-													W	W				
5	Спорт ўйинлари (б/б, в/б, к/т)	20	6	10	4	-													W	W	W	W		
6	Футбол	12	-	-	4	8																		
7	Кураш	10	-	-	6	4																		
	<b>Жами</b>	<b>68</b>	<b>18</b>	<b>14</b>	<b>20</b>	<b>16</b>																		

**5-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия бўйича ўқув ишларини  
режалаштиришнинг йиллик режа графиги ( II-чорак)**

№	Дастур бўлимлари	Жами соат	Чораклар				Дарслар													
							19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32
			I	II	III	IV														
1	Назарий билимлар		Дарслар жараёнида				Дарслар жараёнида													
2	Гимнастика	10	-	4	6	-											W	W	W	W
3	Енгил атлетика	14	10	-	-	4														
4	Харакатли ўйинлар ва спорт ўйинлари элементлари	2	2	-	-	-														
5	Спорт ўйинлари (б/б, в/б, к/т)	20	6	10	4	-	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	W	
6	Футбол	12	-	-	4	8														
7	Кураш	10	-	-	6	4														
	Жами	68	18	14	20	16														

**5-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия бўйича ўқув ишларини  
режалаштиришнинг йиллик режа графиги ( III-чорак)**

№	Дастур бўлимлари	Жами соат	Чораклар				Дарслар																		
							33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51
			I	II	III	IV																			
1	Назарий билимлар		Дарслар жараёнида				Дарслар жараёнида																		
2	Гимнастика	10	-	4	6	-	W	W	W	W	W	W	W												
3	Енгил атлетика	14	10	-	-	4																			
4	Харакатли ўйинлар ва спорт ўйинлари элементлари	2	2	-	-	-																			
5	Спорт ўйинлари (б/б, в/б, к/т)	20	6	10	4	-													W	W	W	W			
6	Футбол	12	-	-	4	8																W	W	W	W
7	Кураш	10	-	-	6	4								W	W	W	W	W	W						
	Жами	68	18	14	20	16																			

**5-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия бўйича ўқув ишларини режалаштиришнинг йиллик режа графиги ( IV-чорак)**

№	Дастур бўлимлари	Жами соат	Чораклар				Дарслар																
			I	II	III	IV	53	54	55	56	57	58	59	60	61	62	63	64	65	66	67	68	
1	Назарий билимлар		Дарслар жараёнида				Дарслар жараёнида																
2	Гимнастика	10	-	4	6	-																	
3	Енгил атлетика	14	10	-	-	4							W	W	W	W							
4	Харакатли ўйинлар ва спорт ўйинлари элементлари	2	2	-	-	-																	
5	Спорт ўйинлари (б/б, в/б, к/т)	20	6	10	4	-																	
6	Футбол	12	-	-	4	8											W	W	W	W	W	W	W
7	Кураш	10	-	-	6	4	W	W	W	W													
	Жами	68	18	14	20	16																	

**III-чорак учун мавзуу режалаштириш  
(3-чорак 20соат)**

Дарс	Ўтказиладиган мавзулар	Соат
	I. Назарий билим асослари	
	1. Кишки спорт залда ўтказиладиган гимнастика дарсида шикастланиши олдини олиш ва чоралари ва биринчи тиббий ёрдам	Дарс жараёнида
	II. Кўникма ва малакалар	
	1.Саф машқлари: 1 қаторда сафланиш. Сардорнинг ахбороти, тартиб билан санаш. Зал бўйлаб юришлар, бурилишлар, бўлиннишлар, бирлашишлар. Бурилишлар, Чапга! Ўнгга! Орқага. 2. Умумривожлатирувчи машқлар: Буюмлар ва буюмларсиз бажариш. Спорт миллий ўйинлари.	Дарс жараёнида
	III.Амалий машқлар:	
33-35	Гимнастика. Гимнастика казёлдан сакраш (баландлиги 110-120см). Болалар –оёқни очиб келиб	3

	сакраш. Қизлар-югуриб келиб казёл устига чуққайиб ўтириш ва дархол пастга сакраши 7-МСНИ	
36-38	Акробатика –болалар учун –икки марта олдинга умбалоқ ошиш, бошда тик туриш. Қизлар учун-бир оёқда “Қалдирғоч” туриш олдинга икки марта умбалоқ ошиш, белкуракда туриш, күпприк туриш 8-МСНИ	3
39-41	5 метрли арқонга 3 усул ҳаракати билан тирмашиб чиқиш 9-МСНИ	3
42	Яккачўпда машқларни бажариш	1
43	Ҳаракатли спорт ўйинлари ва элементлари	1
44	Спорт ўйинлари. (Баскетбол)	1
45-49	Кураш усуllари. Елка усули, непа усули, чил усули ёнбош усули, суперма усули. Оширма усули.	5
50-52	Белбоғли кураш усуllари	3
Жами:		20

### ІІІ-чорак учун МСНИ ўтказиш жадвали

		7-МСНИ	8-МСНИ	9-МСНИ
МСНИларни муддати	ўтказиш	35-дарс	38-дарс	41-дарс
МСНИларни шакли		Меъёр топшириш	Меъёр топшириш	Меъёр топшириш
Назорат ишига ажратилган вақт	40	40	40	
БКМ элементлар сони	5	5	5	
НИСБ	5	5	5	

### 7-МСНИ

Мавзу: Гимнастика козёлидан сакраш қоидалари.

Мақсад: Оёқ кучи,кўл ҳаракати сифатини ривожлантириш.

- 1.Сакрашдан олдин масофани белгилаш;
- 2.Белгиланган жойдан югуриб келиб кўпприк устига сакраб тушиш ва казёлга қўл билан таяниш;
- 3.Югуриб келиб оёқни очиб сакраш (қизлар учун-устига чуққайиб келиб чиқиш);

4. Сакраш вақтида тиззаларни букмасдан ёнга очиб сакраш (қизлар учун-юқорига керилиб сакраш);
5. Пастга икки оёқда юмшоқ тушиш ва тўхташ қоидасига эътибор бериш.

## **8-МСНИ**

Мавзу: акробатика машқларини бажариш.

Мақсад: Эгулувчанлик, чаққонлик вистибуляр анализаторнинг функцияларини ривожлантириш.

Болаларга:

1. Бир оёқда “Қалдирғоч туриш”;
- 2.2-3 марта олдинга умбалоқ ошиш;
- 3.Бошда тик туриш;
- 4.Белкуракда туриш;
- 5.Чўққайиб ўтирган ҳолатдан юқорига керилиб сакраш.

## **9-МСНИ**

Мавзу: 5 метрли осилиб турган арқонга 3 усул ҳаракати билан тирманиш чиқиши.

Мақсад: Куч ва чаққонлик сифатини тарбиялаш.

1. Арқон олдида, юқоридан арқонни икки қўлда тўғри ушлаш;
2. Гавдани қўл кучи ва оёқлар ёрдамида чалкаштириб кўтариш;
3. Кўтарилишда қўллар ва оёқлар ҳолатини алмаштириш;
4. Талаб этилган баландликкача кўтарилиш;
5. Қўл ҳаракатларини тўғри бажарган ҳолда пастга сирғалмасда астасекин тушиш.

**Гулистан шаҳридаги № \_\_\_\_\_ мактабнинг \_\_\_\_\_ синф  
ўқувчилари учун жисмоний тарбия буйича №\_\_\_\_\_**

**ДАРС КОНСПЕКТИ**

*Сана:* \_\_\_\_\_*Синф:* 4**Вазифалари:**

1. Эрталабки гигиеник гимнастиканинг ахамияти хакида назарий маълумотлар бериш.
2. Қисқа масофага югуриш: 60 м масофага югуриш техникасини ўргатиш.
3. Стартдан чиқиш, масофа бўйлаб ва финиш қисмидага югуриш техникасига ўргатиш.

**Мақсад:**

1. Ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишиларини ошириш.
2. Югуриш техникаси, турлари билан таништириш, мустақил шуғулланишга ўргатиш

**Ўтиш жойи:** Спорт майдони, югуриш йўлакчаси.**Керакли жихоз:** Рулетка, секундомер, хуштак

Дарс қисмла ри	Дарснинг мазмуни	Миқдо ри	Ташкилий- услубий кўрсатмалар
Тайёрло в қисм 0-12 дақиқа	<p>Ўқувчиларни сафлаш, навбатчи ўқувчидан ахборот қабул қилиш, саломлашиш, янги мавзуни эълон қилиш турган жойида турли бурилишлар (ўнгга, чапга, ортга) буйруқларини бериш, юриш (оёқни ташқи-ички қисми билан, ярим ўтириш, тўлиқ ўтириб, сакраб-сакраб) секин югуриш (ўнг, чап ён, орқа билан) оддий юриш ва айлана хосил қилган холда, юриш умумий мускулларни ривожлантирувчи машқлар бериш.</p> <p>1-машқ. Д.Х. асосий тик туриш. 1-қўлларни ён томондан юқорига кўтарилади, оёқлар учida турилади.</p> <p>2. Д.Х. 3-4 марта шу холат қайтарилади.</p> <p>2-машқ. Д.Х. Кўллар елкада. 1-2 қўлларни</p>	<p>2 дақиқа</p> <p>4-6 марта</p> <p>4-6 марта</p> <p>4-6 марта</p>	<p>Юрганда ва юргурганда гавдани тўғри тутишга харакат қилинг.</p> <p>Машқларни тўғри бажаринг.</p> <p>Кафтлар бир-бирига қаратилади.</p> <p>Кафтлар пастга</p>

	<p>тұғрилаб, ён томонга узатилади. 3-4 Д.Х.га қайтилади.</p> <p>3-машқ. Д.Х. оёқлар кенгрөк очилган, құллар белди.</p> <p>1-2 олдинга аста-секин әнгәшиб, құл кафти ерга текказилади. 3-4 Д.Х.га қайтилади.</p> <p>4-машқ. Д.Х.оёқлар кенг очилган.</p> <p>1-үңг оёқ устига ўтириш, құллар ёнга узатилади.</p> <p>2-Д.Х. 3-чап оёқ устига ўтириб, құллар ёнга узатилади.</p> <p>4-Д.Х.</p> <p>5-машқ. Д.Х. Кұллар белда. 1-сакраб оёқларни елка кенглигига қўйиш.</p> <p>2-Д.Х. 3-сакраб оёқларни олдинга ва орқага қўйиш.</p> <p>4-Д.Х.</p> <p>6-машқ. Махсус югуришга тайёргарлик кўриш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>1. Оёқ учларида ёнма-ён қадам қўйиш билан югуриш.</li> <li>2. Тиззаларни баланд кўтариб, югуриш.</li> <li>3. Кенг қадам ташлаб югуриш.</li> <li>4. Оёқ учларида югуриш.</li> <li>5. Хар-хил тезликда югуриш.</li> <li>6. Тўсиқлардан ўтиб югуриш.</li> </ul>	<p>4-6 марта</p> <p>6-8 марта</p> <p>4 марта</p> <p>2 марта</p> <p>2 марта</p> <p>4-марта</p> <p>2 марта</p>	<p>қаратилган</p> <p>Тиззалар букилмайди.</p> <p>Гавдани эгманг.</p> <p>Машқларни тўлиқ бажаришга харакат қилинг.</p>
Асосий қисм 25-30 дақиқа	<p>Ўқувчиларга қисқа масофаларда югуриш масофаларини тушунтириш. 30, 60, 100, 200, 400 м масофалари қисқа масофаларга киради. Бу масофаларга югуришда паст стартдан чиқилади. Паст старт қўйидаги кетма-кетликда бажарилади.</p> <p>«Стартга туринг!» буйруғи бўйича чап (ўнг) оёқни кўпроқ букиб, старт чизигидан 20-30 см орқароққа, ўнг (чап) оёқ уни олдинда турган чап (ўнг) оёқдан 20-25 см орқароққа қўйилади. Кұллар старт чизигига елка кенглигидан бироз кенгрөк, бош бармоқ ички томонга, қолган бармоқлар ташқарига қаратилган бўлади.</p> <p>«Дикқат» буйруғи бўйича оёқлар сал тўғирланиб, кейинги оёқ тиззаси ердан узилади, гавдани салгина олд-юқорида</p>	<p>3 дақиқа</p> <p>5 дақиқа</p> <p>5 дақиқа</p>	<p>Кисқа масофаларга югуришда паст стартдан чиқишини есдан чиқарманг.</p> <p>Стартга нотўғри туриш мушакларни хаддан ортиқ тараанглашишга сабаб бўлади.</p>

	<p>кўтариб, гавданинг оғирлиги иккала қўл билан олдинги оёқга туширилади.</p> <p>«Югуриш» буйруғи бўйича югуриш бошланади. Стартдан чиққандан сўнг тезликни ошириб бориш, масофада катта тезликда (бор кучини шу 60 м масофада сарф етиш керак) югуриб ўтишни тушунтирилади.</p> <p>Ўқувчиларни майдонда сифимига қараб 1 ёки 2 қатор сарфлаб стартдан чиқиши ўргатилади, сўнгра стартдан чиқиб 3-5 қадам югуришда гавда холатини тўғрилаш тезликни ошириш бош қисмини салгина олдинда енгаштириб югуришни ўргатилади.</p> <p>Масофада югуришда югурувчи катта куч сарф етади, шунинг учун қўлни харакати тез бўлиши кераклиги чунки хаво зичлигини ёриб ўтиш осонроқ бўлади деб тушунтирилади.</p> <p>Марра йўлакchasигa кириб келишини хар бир қадами, гавда харакати қўл харакати, марра чиқiшини кесиб ўтишда кўkракни олдинга чиқариш, тезликни пасайтиргмаган кесиб ўтишни, чизикдан ўтгандан сўнг 5-8 м масофани югуриб ўтиш кейин секинлаш лозимлиги ўргатилади.</p>	5 дақика	Стартга турган вақтда депсинувчи оёқ олдинда туриши керак
Якун-ловчи қисм 3-5 дақика	<p>Ўқувчиларни сафлаш, нафасини ростловчи машқлар юрган холатда берилади, сўнгра сафтлантириб умумий хамда якка қилинган камчиликлар айтилади. Фаол хамда паст иштирок этган ўқувчилар баҳоланади, уйга вазифа бериб хайрлашади</p>	5 дақика	Юурган вақтда бурундан нафас олиб, оғиздан нафас чиқариш Марра чизигини кесиб ўтгандан кейин хам югуришни давом эттириш керак
		3 дақика	Чуқур нафас олиб, чуқур нафас чиқаринг, уй вазифасини тўлиқ бажаришга харакат қилиш

**Футбол бўйича Гулистон шаҳар № \_\_\_\_\_ мактаб  
биринчилиги учун ўтказиладиган мусобақалар  
НИЗОМИ**

**1. Мақсад ва вазифалари:**

- жисмоний тарбия ва спортни ўқувчилар орасида янада оммавийлаштириш;
- футбол бўйича мактаб терма жамоасига муносиб номзодларни саралаб олиш;
- футбол бўйича мактаб чемпионини аниқлаш.

**2. Ўтказилиш вақти ва жойи:**

Мусобақалар 2017 йил 20-26 апрел кунлари соат 15.00 дан бошлаб Гулистон шаҳридаги 6-ўрта мактаб стадионида ўтказилади.

**3. Мусобақалар устидан раҳбарлик:**

Мусобақалар устидан умумий раҳбарлик ва ҳакамлик мактаб жисмоний тарбия коллективига юклатилади. Мусобақаларнинг бош ҳаками олий тоифали ўқитувчи Ш.Пардаев.

**4. Мусобақа қатнашчилари:**

Мусобақаларда тиббий назоратдан ўтган 9-11 синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин. Ҳар бир жамоа талабномага 18 та спортчини ва 1 та мураббийни киритиши мумкин. Ҳар бир иштирокчи ҳақиқатдан ўқувчи эканлиги тўғрисидаги маълумотномага эга бўлиши шарт.

**5. Мусобақа дастури:**

Мусобақаларнинг очилиш тантанаси 2017 йил 20 апрел соат 14.30 да мактаб стадионида ўтказилади.

**6. Ғолибларни аниқлаш тизими:**

Мусобақалар “айланма” тизим остида ўтказилади. Ғолиб жамоа тўпланган очколар бўйича аниқланади. Ҳар бир ғалаба учун 3 очко, дуранг учун 1 очко, мағлубият учун 0 очко берилади. Агар 2 жамоанинг тўплаган очколари бир хил бўлиб қолса, ғолиб қўйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

- ўзаро учрашув натижасига кўра;
- ғалабалар сонига кўра;
- тўплар нисбатига кўра.

## **7. Голибларни тақдирлаш:**

Голиб жамоа мактаб дирекциясининг кўчма кубоги ва дипломлар билан тақдирланади. 2-3-ўринни эгаллаган жамоага хомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилади.

## **8. Талабномалар бериш тартиби:**

Талабномалар 2017 йил 18 апрелга қадар жисмоний тарбия ўқитувчисининг хонасида қабул қилинади. Қуръа ташлаш маросими 2017 йил 19 апрел соат 14.00 да ўтказилади.

Футбол бўйича Гулистон шаҳар 6-мактаб биринчилиги  
учун ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этиш  
учун 7 “А” синф жамоасидан

## **ТАЛАБНОМА**

№	Спортчининг исми, шарифи	Туғилган йили	Миллати	Тиббий кўрик натижаси

Бош мураббий \_\_\_\_\_

## **Жисмоний тарбия дарсларида хронометраж олиб бориш**

Жисмоний тарбия дарсларида хронометраж дарснинг умумий ва мотор зичлигини аниқлаш мақсадида олиб борилади.

**Дарснинг умумий зичлиги деб**, педагогик нуқтаи назардан тўғри фойдаланилган вақтнинг бутун дарс давомида нисбатига айтилади.

**Дарснинг мотор зичлиги деб**, ўқувчиларнинг бевосита ҳаракат фаолиятига, машқ бажариш учун сарфланган вақтга айтилади.

Хронометраждан олинган маълумотлар дарснинг педагогик тахлил маълум даражада чуқурлаштиради, чунки ҳар хил фаолият учун кетган вақтни рационал сарфлашни имконини беради.

Дарсни теширувчи хронометражнинг қуйидаги ҳужжатлари:

- а) хронометраж протоколини;
- б) умумий ва мотор зичлигини;
- в) зичлигини текстда ёзилган тахлилини олиб бориш керак.

Дарс бошлангунча текширувчи хронометраж протоколига дарс вазифаларини, шунингдек ҳар хил бўлимларга ёки дарс қисмларига белгиланган вақтни аниқлаб олиши шарт. Бунинг учун текширувчи дарс ўтувчининг конеспекти билан танишиши шарт.

Протокол олиб боришнинг кейинги қисми айнан дарс ўтиш мобайнида қуйидаги шакл бўйича тўлдирилиб, фақатгина иккита графа - "ўқувчилар иш фаолиятининг мазмун"(2-графа) ва "иш фаолиятининг тугаш вақти" (3-графа) тўлдирилади.

Иккинчи графага педагог фаолиятининг мазмуни аниқ ва машғулотнинг кетма-кетлиги ёзилади. Масалан: Ўқувчиларни сафлаш.

Рапорт.

Ўқитувчи томонидан дарс вазифаларини тушунтириш.

Юриш.

Машқларни тушунтириш.

Умумривожлантирувчи машқларни оддий тарзда ёки қисқача эгилиш, сакраш ва д.х. деб ёзилади. Асосий ҳаракатларни қисқа қилиб ёзиш керак. Масалан: "Олдинга думалоқ ошиш", "Югуриб келиб баландликка сакраш".

Иккинчи графада секундомер бўйича ҳар қайси иш фаолиятининг тугаш вақти ёзилади. Масалан, ўқувчиларнинг сафланиши ва рапортига 2 дақиқа 35 сония вақт кетса, шу иш фаолиятининг тўғрисига ёзилади, ўқитувчи ўқувчиларга дарс вазифасини тушунтиргандан кейин секундлар 3 минут 25 секундни кўрсатса, шу фаолиятни ёзади ва ҳ.к. ўқитувчи томонидан машқларни тушунтиришга, кўрсатишга, кўргазмали қуролларни кўрсатишга, ёрдамчи ҳаракатга машқни бажариш учун қайта сафланиш машғулотга жой тайёрлаш ва ҳ.к. таълим беришга, ўқувчиларни машқ бажаришга берилган баҳосига кетган вақтларни жуда аниқлик билан белгилаш талаб қилинади.

Кузатув дарс давомида бир ўқувчи устидан олиб борилади ва унинг фамилиясини протоколга ёзиш тавсия этилади.

Дарс тугагандан кейин хронометраж маълумотларини ишлаб чиқиши керак. Бунда ҳар қайси фаолиятга кетгани аниқ вақтни топиш учун кейинги секундомер кўрсатган вақтдан олдингиси олиб ташланиши шарт Масалан: ўқувчиларга дарсни тушунтириш учун кетган вақтни аниқлаш учун, 3 минут 25 сек. вақт сарфлангани аниқ бўлади. Шу тартибда ҳамма фаолиятга кетган аниқ вақт топилади. "Аниқ" вақт эса поротоколдаги керакли графаларга кўрсатиш, тушунтириш "Машқ бажариш" ва ҳ.к. ёзига қўйилади.

Педагог томонидан рационал сарфланган вақтга қуйидаги иш фаолиятини ва дарснинг компонентлари киради: дарс мавзусини тушунтириш, ўқитувчини тинглаш, машқни бажариш учун навбат кутиш, дам олиш ва ҳ.к.

Дарсни ташкил қилиш учун “бўш” кетган вақт, яъни ўқув-тарбиявий масалаларни ечишга таълуқли бўлмаган ҳаракатлар ёки вақтдан олдин дарснинг тугаллаш, интизомининг бузилиши, инвентар-ларнинг олиниши, ўқувчининг сабабсиз иш фаолиятидан кетиб қолиши натижасида машғулот вақтида ҳосил бўладиган танаффуслар - буларнинг ҳаммаси дарс жараёнини

оқланмаган вақтига киради. Дарснинг умумий зичлигини ҳисоблашда дарс учун ажратилган 45 дақиқа 100 фоиз деб олинади. Масалан: 42 дақиқа сарфланга бўлса, ҳисоб қўйидагicha ечилади:

**45 дақиқа - 100 %**

**42 дақиқа - X % бундан**

$$X = 42 \times 100 / 45 = 93.3\%$$

Бизнинг мисолимизда дарснинг умумий зичлиги 93,3% ни ташкил қиласди. Жисмоний мақшлар бажариладиган машқларда мотор зичлик маҳсус кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Масалан ҳаракатларни бажаришга 20 дақиқа сарфланган бўлса, ҳисоб қўйидагicha ечилади:

**45 дақиқа - 100 %**

**20 дақиқа - X % бундан**

$$X = 20 \times 100 / 45 = 44.4\%$$

Бизнинг мисолимизда дарснинг умумий зичлиги 44,4% ни ташкил қиласди. Дарснинг умумий ва мотор зичлигини аниқлагандан кейин уни тахлил қилиш керак. Умумий зичликнинг энг юқори баҳоси 45 дақиқанинг ҳаммаси тўғри ва аниқ ишлатилишидир. Мотор зичликни оптимал даражаси катта ёки кичкиналиги бир қанча омилларга, дарснинг вазифасига, дарс типига ва моддий-техник таъминотга боғлиқ.

Масалан: дарснииг вазифаси ўқувчилар учун янги бўлган ҳаракат билан танишириш бўлса, ўқитувчи табиийки кўпроқ машқни тушунтиради, ўқувчилар эса тинглашади. Дарснинг мотор зичлиги ўз-ўзидан паст бўлади.

Янги материал билан танишиш дарсларида такомиллаштириш дарсларидагига қараганда мотор зичлик кичик бўлади.

Ҳозирги вақтда жисмоний тарбия дарсларидаги оптимал зичлик IV-V синфларда 37-47 %, VI-VII синфларда 50-60 % юқори синфларда 70 % ташкил қилиш керак. Шу билан бирга қўйдагиларни ҳисобга олиш шарт.

1. Соғломлаштириш вазифаларини амалга оширишда, ўқувчиларнинг иш фаолиятида бажарган ҳаракатларининг умумий ҳажми, юкламанинг шиддати, юклама ва дам олиш вақтини алмаштириш, иш қобилятини қайта тиклаш вақтини таъминлаш ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

2. Ўрганиш вазифаларини амалга оширишда ўқувчилар томонидан бажарилган машқларнинг сонини, ўқитувчи томонидан ҳаракат фаолиятини тахлил қилишга кетган вақтни баҳолаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

3. Машғулот жараёнида юкламанинг миқдори тахлил қилинганда, қўлланилаётган машқнинг дарсда қайси мақсадда ишлатилаётганини аниқлаш лозим.

Ҳаракатларни ўзлаштириш вақтида машқни такрорлаш сонининг оптимал даражасини белгилаб олиш лозим. Масалан, дастлабки ўргатиш даврида машқлар 2-3 марта секин суратда такрорланса, такрорлаш тақомиллаштириш даврида эса такрорлаш сонини сезиларли даражада ошириш тавсия қилинади.

Шу мақсадда машқнинг бажарилган вақти уни ҳаракат характери билан солиширилади. Масалан: югуриш вақтининг масофага нисбати дарснинг мотор зичлигини тахлил қилишда, ўқувчиларнинг олаётган юкламаларини уларнинг ёшига, жинсига мослигини аниқлашда ёрдам беради.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари дарснинг умумий ва мотор зичлигини оширишда спорт снарядларини олдиндан қулай жойга ўрнатилганлиги, мавжуд жиҳозлардан ўз ўрнида фойдаланиш, машғулот жараёнида шуғулланувчилар фаолиятини ташкил қилиш усувларидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарс зичлигини тахлил қилишда унинг кўрсаткичига таъсир кўрсатган ҳамма омилларни аниқ баён қилиш керак.

Гулистон шаҳридаги № мактабнинг синфда амалиётчи-  
талаба томонидан ўтказилган дарсда хронометраж олиб бориш.

### БАЁННОМАСИ

Дарснинг қисмлани	Ўқувчилар иш фаолиятининг мазмуни	Иш фаолиятини тулаш вакти мин'	Ўқитувчини тинглаш, кузатиш, ўйлаш б.к	Машқ бажар вакти	Машгулот жойини инвен.Тайёрлаш ва	Вазифа бажариш учун навбат	Ўқитувчининг айби билан кетган	Эслатма
1	2	3	4	5	6	7	8	9
	Дарсга кечикиб келиш	1					1-00	
	Сафланиш, рапорт	2		1				
	Дарс вазифаларини баён этиш	2-30	30					
	Юриш	2-50		20				
	Ҳаракатда машқ бажариш	4-30		1-40				
	Югурниш	5-05		35				
	Юриш	5-30		25				
	Шеренгага қайта сафланиш	5-40		10				
	Тушунтириш	6-15	55					
	1-машқ нафасни ростлаш	8-10		1-05				
	2-машқни тушунтириш	8-20	10					
	2-машқ ҳаракатлар	9-05		05				
	3-машқ ён томонларга эгилиш	9-20		15				
	4-машқни тушунтириш	9-25	5					
	4-машқ олдинга ва орқага эгилиш	10-00		35				
	5-машқ ўтириб туриш	10-25		25				

	6-машқни тушунтириш	10-30	5					
	6-машқни қорин мускулларига бажариш	11-10		40				
	7-машқни тушунтириш	11-55	5					
	7-машқ таяниб ётган ҳолда қўллари букиб ёзиш	11-55		40				
	8-машқни тушунтириш	12-00	5					
	Машқни таяниб ўтирган тиззаларга тўғирлаш, бажариш	12-35		35				
	9-машқни тушунтириш	12-40	5					
	9-машқ оёқларни силтаб ҳаракатлантириш	13-10		50				
	10-машқни тушунтириш	13-20	10					
	10-машқ икки оёқда сакрашлар	13-50		30				
	Жойда юриш	14-00		10				
	Машғулот жойларини тайёрлаш	14-50		50				
	Пастки турник	15-55			1-25			
	Топширикни тушунтириш	16-20	15					
	Топширикни бажариш учун навбат кутиш	16-45				25		
	Машқни бажариш: турникда осилган ҳолатда оёқларни кўтариш	17-00		15				
	Навбат кутиш	18-05				65		
	2-машқни бажариш: тўнтарилиб, таянган ҳолатда келиш	18-20		15				
	Навбат кутиш	19-15				35		

	3-машқни бажариш: түнтарилиш	19-45		30				
	Навбат кутиш	20-55				45		
	4-машқни бажариш: түнтарилиш	21-15		10				
	Машғулот жойини ўзгартириш	21-55		45				
Акробатика								
	Топширикни тушунтириш	22-40	35					
	1-машқни бажариш (олдинга, орқага думбалоқ ошиш )	24-10		90				
	Тушунтириш	24-40	30					
	2-машқни бажариш (қўл ва бошга таяниб тик туриш)	26-00		100				
	Навбат кутиш	27-15				75		
	3-машқни бажариш (ёрдамчи кўмагида кўлларда тик туриш)	28-05		50				
	Навбат кутиш	29-00				55		
	4-машқни бажариш: кўлларда тик туриш	31-10		130				
	Асбоб-анжомларни йиғишириш	32-00			50	110		
	Ўйинга сафлантириш	37-10						
	Ўйинга қайта сафлантириш	34-00		50				
	“Ботқоқликдан сакраб ўтиш” ўйинини тушунтириш	35-35	95					
	Ўйин	41-45		370				
	Ўйинга якун ясаш	42-15	65					
	Секин юришда нафас машқларини бажариш	43-35		50				
	Бир шеренгага сафланиш	44-10		45				

	Дарсга якун ясаш ва уйга топширик бериш	44-55	45					
	Залдан ташкилий равиша чиқиб кетиш	45-00		05				
		<b>770</b>	<b>175</b>	<b>355</b>				
<b>Жами:</b>		<b>45-34</b>	<b>3-10</b>	<b>26-75</b>	<b>2-85</b>	<b>5</b>	<b>2-00</b>	

**Хронометраж ўтказувчининг имзоси:** \_\_\_\_\_

**ЭСЛАТМА:** Дарснинг умумий ва мотор зичлиги қўйидаги формула бўйича аникланади:

$$\text{Дарснинг умумий зичлиги} = \frac{\text{Рационал сарфланган вақт} \times 100 \%}{\text{Умумий вақт} (45 \text{ мин})}$$

$$\text{Дарснинг мотор зичлиги} = \frac{\text{Машқ бажаришга кетган вақт} \times 100 \%}{\text{Умумий вақт} (45 \text{ мин})}$$

Юқорида келтирилган дарс хронометражнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, тайёргарлик қисмининг умумий зичлиги 92,8%ни; мотор зичлиги эса 79% ни ташкил қиляпти.

Дарснинг бу қисмида ўқитувчининг айби билан ижобий ишлатилмаган вақт 7,1% ни ташкил қилади. Бу эса ўқитувчининг дарсини аниқ ташкил қила олмаганлиги, олдиндан яхши тайёрланмаганлиги ва ўқитувчилар учун шароитини яхши эмаслиги натижасидир. Бу қисмдаги мотор зиичлигининг юқори даражаси, машқларни бажаришда ўқувчилар фаолиятини фронтал ташкил қилиш методидан фойдаланганлигидан ва тайёргарлик машқларидан унумли фойдаланишидандир. Шу билан қайд қилиш керакки, дарсда ишлатилаётган тайёргарлик машқлари буйруқ ва қисқа бир маротаба тушунтириш билан қўшиб олиб борилади. Шунга қарамасдан ўқитувчи дарс тузилишини бузди. Чунки, дарснинг тайёргарлик қисми аслида 20% ни ташкил қилиши керак бўлса, бу дарсда эса 30%дан кўпроқни ташкил этди.

Тайёргарлик қисмida танланган умумтайёргарлик ва маҳсус тайёргарлик машқларни синчиклаб қараш натижасида 6,7,8,9- машқларни дарснинг тайёргарлик қисми учун тўғри танланган дейиш мумкин.

Юқоридаги мисолда дарснинг асосий қисми учун 28 дақиқа 15 сония вақт кетди. Умумий зичлик 39,7% ни ташкил қилди. Бу эса нисбатан камдир. Бунинг сабаби, дарс тизимининг мантиқий аниқ тузилмаганлиги, ўқитувчининг дарсга етарли даражада тайёрланганлигидадир.

Дарснинг асосий қисмини мотор зичлиги 54,6% ни ташкил қилди. Бу эса юқори натижа бўлишига қарамасдан паст турнирда ва акробатика машқларини бажаришда ўқувчилар 4 мартадан шу машқларни қайта бажаришган, ваҳоланки машқни ўқувчи 8-12 маротабадан тақрорлаши керак эди. Асосий қисмнинг мотор зичлиги бу ерда фақатгина “ботқоқлиқдан ўтиш” ҳаракатли ўйини ҳисобигагина кўтарилиган.

Шунинг учун паст турнирда бажарилган зачет комбинациясига 7 дақиқа 55 сония акробатик машқлар орқали координация қобилиятларини тарбиялашга эса 9 дақиқа 6 сония вақт сарфланган бўлсада, ўқувчиларнинг ҳаракатда бўлган вақти 2-5 дақиқида 35 сонияни ташкил қилган. Бу эса дарсни олдига қўйилган вазифаларни бажаришга, ўқитувчи тўғри ёндошмаганини, яъни бир вазифага кам бошқасига эса кўп вақт сарфланганини кўрсатади. Бундан ташқари ҳаракатли ўйин ўқувчиларни сафлашда интизомни бузилиши, кўп вақт сарфланишига сабаб бўлди.

Дарснинг якунловчи қисмida умумий зичлик 100% ни, мотор зичлиги эса 83,5 % ни ташкил қилади. Бу қисмida мотор зичлигининг юқорилигини юриш ва саф машқларининг ҳисобига ошган бўлсада, юкламани пасайтиришга қаратилган.

Дарс конспектининг якунловчи қисмiga 3-5 дақиқа режалаштирилган, ҳақиқатда эса 2 дақиқа 45 сония сарф қилинди, бу машқларнинг кетма-кетлигини нотўғри жойлашганлигидандир.

Дарс олдига қўйилган вазифаларнинг 2 таси: паст турникда синов мажмуаларини такрорлаш, акробатик машқлар орқали координация қобилияtlарини тарбиялаш тўлиқлигича амал оширилмади.

Дарснинг кетма-кетлиги ва шу дарсга тайёрланишда бир йиллик режадаги жисмоний юкламанинг динимикаси ҳисобга олимаганлиги, ўқувчиларни ташкил қилишда қўпол ҳатоларга йўл қўйилганлиги, шу дарсга пухта тайёрланмаганликни, ўз тажрибасига ишониб ҳатоларга йўл қўйганлигини кўрсатади.

Дарснинг асосий қисмида, керакли инвентарлардан ташқари, қўшимча машқлар тизимидан ҳамда стандарт бўлмаган инвентарлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Дарс конспектини тузишда дарсга қўйилган вазифаларни бажариш учун оқилона вақт ажратиш ва ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш усуллари ҳамда ўргатиш услубларини, таъсирчанлигига, ўқувчиларини ёшига, тайёргарлигига қараб машқлар танлаш керак.

### **Жисмоний тарбия дарсларида пульсометрия ўтказиши**

Жисмоний тарбия дарсларида пульсометрия олиб боришдан асосий мақсад - дарсдаги юкламани ўқувчиларнинг ёшига, тайёргарлигига, машғулот ўтказиладиган жойнинг шароитига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Пульсометрия маълумотларини тўғри тахлил қила билиш эса талабаларга кейинчалик ўз ҳаракатларини объектив баҳолашга ва синф ўқувчиларига юкламаларни тўғри режалаштиришга, бошкариш усулларини эгаллашга, ёрдам беради.

Жисмоний тарбия дарсидаги юкламанинг динамикасини кузатиш секундомер ёрдамида бир ўқувчи устида олиб борилади. Бунинг учун хулқи яхши, ўқитувчининг топшириқларини фаол ва вижданан бажарадиган ўқувчи танлаб олинади. Ушбу ўқувчи кузатув обьекти эканлиги ҳақида олдиндан огоҳлантирилиши керак.

Биринчи пульс ўлчови дарсга қўнгироқ чалинишига 5 минут қолганда олинади. Бунда кузатувчи шуғулланувчи ўқувчининг тинч ҳолатда яъни унинг пульс кўрсаткичи нормал ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Пульс - лотинча турткى - томир уриши, юрак қисқариши натижасида қон томирларининг ритмик тебраниши: кенгайиб-торайиши демакдир.

Соғлом кишиларда пульс 1 минутда 60 марта томир уришига teng. Болаларда катталарга нисбатан пульс кўрсаткичи ортикроқ, қиз болаларда эса ўғил болаларга нисбатан бир мунча ортикроқ бўлади.

Пульс асосан билакнинг ички юзасида, билак артерияси соҳасида, аниқланади. Бунинг учун текширилувчининг билагини қўл билан шундай ушлаш керакки, бош бармоқ билакнинг ички томонида, бошқа бармоқлар эса унинг юзидағи пульсланувчи билак артериячасининг пайпасланувчи терисини босадиган бўлсин. Пульс 10 секунд мобайнида ўлчанади.

Пульсни биринчи бор ўлчашда кузатилувчи пульсининг кўрсаткичи нормал ҳолатда бўлишига эришиш лозим. Бунинг учун кузатувчи жисмоний тарбия дарсидан олдин бўлган дарсдан чиқишга қўнгироқ чалиниши билан синфга кириши ва кузатилувчи ўқувчининг пульсини ўлчаб, пульсни ҳисобга олиш протоколига ёзиб қўйиши керак. Томир уришини ўлчаш кейинги оралиқлари бажариладиган ишнинг характеристига боғлиқ ҳолда, ҳар хил вақтда амалга оширилиши мумкин.

Томир уришини қўйидагича ўлчаш тавсия этилади:

1.Агар иш хусусияти доимий бўлса, сафланиш, югуриш, умумривожлантирувчи машқларида 3 минутдан кам оралиқда томир уришини ўлчаш мақсадга мувофиқ эмас ёки ҳар бир асосий машқ тугагандан кейин ўлчаш керак. Чунки ўқувчини тез-тез томир уришини ўлчаш учун жалб этиш, дарсдаги ҳақиқий юкламани аниқлашга ёрдам бермайди.

2. Ҳар бир дарс қисми тугагандан сўнг.

3. Катта кучланишни талаб этадиган югуриш, гимнастика снарядларида бажариладиган машқлар, югуриб келиб сакраш, эстафета босқичини тугатиш ва ҳ.к.ларда мураккаб машқларни бажаргандан сўнг.

Охирги икки талабни бажариш шарт, лекин биринчи талаб бундан истисно. Масалан, 9 минутда томир уриши ўлчаниши керак эди, лекин дарсни боришидан кўриниб турибдики, 1-2 минутдан сўнг, дарсни тайёргарлик қисми тугайди. Бундай ҳолларда пульсни 9- минутда эмас, балки 10-11 минутларда ўлчаш мақсадга мувофиқ. Агар кузатилаётган ўқувчи машқ бажариб турган бўлса, юқоридаги вазият қайтарилиши мумкин.

### **Олинган маълумотларни ҳисоблаш, эгри чизиқли график тузиш ва маълумотлар таҳлили**

Олинган маълумотларни ҳисоблашда 10 секунддаги томир уришининг натижасини олтига кўпайтириб, олдиндан тайёрланган протоколнинг бешинчи графасига, олтинчи графага эса пульснинг фоизларда ўзгариши ёзилади. Бу қуйидагича амалга оширилади. Даствабки, тинч ҳолатда ўлчанганди пульс 100 фоиз деб олинади. Иккинчи марта ўлчанганди пульснинг даствабкисига нисбатан неча фоиз ошганлигини аниqlаш учун пропорция тузилиб, ишланади. Масалан: протоколдаги тинч ҳолатда ўлчанганди пульс 1 минутда 90 марта иккинчиси - 103 марта бўлсин.

Шунга қараб пропорция тузилади.

90-100%

$$X - 103 \quad X = 103 \times 100 : 90 = 114.4\%$$

учинчиси - 108 марта, яна пропорция тузамиз.

$$90-100\% \quad X = 108 \times 100 : 90 = 120\% \text{ ва ҳ.к.}$$

Навбатдаги вазифа бу олинган маълумотлар асосида томир уришининг эгри чизиқ графигини тузиш.

Графикнинг вертикал ўқи томир уришини абсолют кўрсаткичлари, горизонтал ўқи бўйича дарснинг 45 минутлик вақти кўрсатилади.

Баённомадаги томир уриши сони ва вақт кўрсаткичларидан фойдаланиб, координаталардаги нуқталар белгиланади, шундан сўнг шу нуқталар бирлаштирилиб, кузатиш олиб борилган ўқувчининг дарс давомидаги томир уришининг эгри чизиғи аниқланади.

Кейинги босқичда, юқоридаги хужжатларга асосланиб дарсдаги жисмоний юкламанинг ёзма таҳлили бажарилади. Бунда қуйидагилар ёритилиши керак:

Дарснинг вазифалари, дарснинг тури, ўқувчиларнинг дарсгача бўлган фаолияти, дарс давомида томир уришининг ўзгариши ва унинг сабаблари, дарснинг айрим моментларидаги ва бутун дарс давомидаги юкламанинг мақсадга мувофиқлиги. Дарснинг охирида томир уришининг сони ва унинг жисмоний тарби дарсидан кейин 5 минут давомида тикланиши. Таҳлилнинг якунида кузатувчи ўқувчиларни дарсдаги юкламаси бўйича ўзининг мулоҳазаларини, таклифларини ёзиши керак.

Томир уришини ўлчаш протоколи, томир уришнинг эгри чизиқ графиги ва олинган маълумотларнинг таҳлили қўшилган ҳолда бир бутун хужжатни ташкил этади.

Тўлиқ тугалланган хужжат кузатувчи томонидан имзола нади ва дарсни ўтган ўқитувчига танишиб чиқиш учун берилади. У ўз навбатида хужжат билан танишиб, ўзининг мулоҳазаларини билдиради ва хужжатга имзо чекади.

Дарсда пульсометрия хужжатларини тайёрлаб бориш намунаси сифатида Гулистон давлат университети Жисмоний маданият факультети битиравчи босқич талабаси Қурбонов Бекназар томонидан 2016-2017 ўқув йилида Гулистон шаҳридаги 11-мактабда педагогик амалиёт мобайнида тайёрланган хужжатлар илова қилинади. Пульс кўрсаткичлари ўлчови 2017 йил 3 март куни 3-“А” синфида талаба Қўполбоев Сирож томонидан ўтказилган дарс вақтида олинган.

**Гулистон шаҳар № 11- мактабда ўқитувчи С.Қўполбоев томонидан**  
**Жисмоний тарбия дарсида ўтказилган пульс кўрсаткичларини хисобга**  
**олиш**

**П Р О Т О К О Л И**

Дарсда қатнашган ўқувчиларнинг сони: \_\_\_\_\_

Кузатилувчи ўқувчининг фамилияси: \_\_\_\_\_

Дарс вазифалари:

1. Кросс югуришда чидамлиликни тарбиялаш
2. Тўпни икки қўллаб илиб олиш ва уни кўкракдан узатишни ўргатиш.
3. "Таъқиқланган ҳаракат" ўйини орқали ўқувчиларнинг диққатларини тарбиялаш.

№	Ўқувчи иш фаолиятининг мазмуни	Пульс ўлчангандай вақти	Юрак қисқаришлари сони		Томир уришни ўзгариши%
			10 сек.да	1 мин.да	
1	2	3	4	5	6
	Дарс	00'	12	72	
	Сафланиш	1	12	72	100
	Зал бўйлаб юриш	3	13	78	103,3
	Югуриш	6	28	168	233,3
	Кайта сафланиш	9	24	122	200
	Биринчи машқ	12	23	138	191,6
	Тўртинчи машқ -	14	25	150	209,8
	Олтинчи машқ	16	24	144	200
	Саккизинчи машқ	18	22	132	183,4
	4 колоннадан I колоннага сафланиш	21	23	138	191,6
	Баскетбол элементлари	28	28	168	233,3
	Баландликка ва ундан	31	30	180	250

	пастга югуриш				
Юриш	33	26	156	216,6	
Югуриш вақтида	34	30	180	250	
Югуришлан кейин	37	28	168	233,3	
Сафланиш	38	27	162	225	
Харакатли ўйин	40	20	120	106,8	
Дарс якуни	45	15	90	125	
Дарсдан 5 мин сўнг	50	13	78	103,3	

Дарснинг асосий қисмida кузатилувчи ўқувчининг томир уриши кўпайди. Баландликка ва ундан пастга югуришда 180 мартага кўтарилди. Дарснинг 18 -дақиқасида кузатилувчи ўқувчининг томир уриши ўқувчининг дарсга тайёргарлик қисмидаги 8- машқ, яъни нафас ростлашдан кейинги томир уришига қараганда, маълум микдорда кўпроқ. 21- дақиқада эса кузатилувчи ўқувчининг томир уриши 91 фоизга кўпайди. Бунда ўқувчилар 4 колоннадан I колоннага сафланиш машқларни бажаришди. 28- дақиқада томир уриши 133 фоизга кўпайди. Бунда баскетбол элементлари бажарилди. 31- дақиқани олиб қарайдиган бўлсак, бу ерда ўқувчиларнинг баландликка ва ундан пастга югуриш машқида томир уриши жуда ҳам баланд. Бундан кўриниб турибдики, бу машқнинг ўқувчилар организмига таъсири жуда катта. Шунинг учун ҳам томир уриши юқори. 35 -дақиқада ўқувчининг томир уриши бир оз камайган; 1 дақиқада 156 марта урмоқда. Бу пайтда ўқувчилар майдон бўйлаб юра бошладилар. 34- дақиқада эса ўқувчининг томир уриши 1 дақиқада 180 зарбага етди. Бунда ўқувчилар юришдан югуришга ўтишган пайти эди. Юурганда юрак иши тезлашиб, томир уриши ҳам тезлашган, бу эса мақсадга мувофиқдир. 37-минутда югуришдан кейин юриб-юриб сафланишган, бунда эса ўқувчининг томир уриши 1 дақиқада 162 марта бўлган.

Баландликка ва ундан пастга юурганда юракка катта юклама тушиб уни тезлаштиради, яъни юракни қон сиқиб чиқариши яхшиланади, организм фаоллиги ортиб, томир уриши ҳам тезлашади. 33- дақиқада ўқувчилар юришга ўтдилар, юурганларидан кейин юриш вақтида томир уриши

секинлашди. Кейинги машқни бериш учун организмни сал бўлса ҳам дам олдириш керак. Дарснинг асосий қисмида кузатилувчи ўқувчининг томир уриши тайёргарлик қисмига қараганда, маълумот миқдори юқори бўлади. Якунловчи қисмида берилган ҳаракатли ўйиндан кейин ўқувчининг томир уриши 120 тага етди. Ўқувчилар учун танланган машқ мақсадга мувофиқдир.


Дарснинг асосий қисмида кузатилувчи ўқувчининг томир уриши кўпайди. Баландликка ва ундан пастга югуришда 180 мартаға кўтарилди. Дарснинг 18 -дақиқасида кузатилувчи ўқувчининг томир уриши ўқувчининг дарсга тайёргарлик қисмидаги 8- машқ, яъни нафас ростлашдан кейинги томир уришига қараганда, маълум миқдорда кўпроқ. 21- дақиқада эса кузатилувчи ўқувчининг томир уриши 91 фоизга кўпайди. Бунда ўқувчилар 4 колоннадан I колоннага сафланиш машқларни бажаришди. 28- дақиқада томир уриши 133 фоизга кўпайди. Бунда баскетбол элементлари бажарилди. 31- дақиқани олиб қарайдиган бўлсак, бу ерда ўқувчиларнинг баландликка ва ундан пастга югуриш машқида томир уриши жуда ҳам баланд. Бундан кўриниб турибдики, бу машқнинг ўқувчилар организмига таъсири жуда катта. Шунинг учун ҳам томир уриши юқори. 35 -дақиқада ўқувчининг томир уриши бир оз камайган; 1 дақиқада 156 марта урмоқда. Бу пайтда ўқувчилар майдон бўйлаб юра бошладилар. 34- дақиқада эса ўқувчининг томир уриши 1 дақиқада 180 зарбага етди. Бунда ўқувчилар юришдан югуришга ўтишган пайти эди. Югурганда юрак иши тезлашиб, томир уриши ҳам тезлашган, бу эса мақсадга мувофиқдир. 37-минутда югуришдан кейин юриб-юриб сафланишган, бунда эса ўқувчининг томир уриши 1 дақиқада 162 марта бўлган.

Баландликка ва ундан пастга югурганда юракка катта юклама тушиб уни тезлаштиради, яъни юракни қон сиқиб чиқариши яхшиланади, организм фаоллиги ортиб, томир уриши ҳам тезлашади. 33- дақиқада ўқувчилар юришга ўтдилар, югурганларидан кейин юриш вақтида томир уриши секинлашди. Кейинги машқни бериш учун организмни сал бўлса ҳам дам олдириш керак. Дарснинг асосий қисмида кузатилувчи ўқувчининг томир

уриши тайёргарлик қисмiga қaраганда, маълумот миқдори юқори бўлади.

Якунловчи қисмида берилган ҳаракатли ўйиндан кейин ўқувчининг томир уриши 120 тага етди. Ўқувчилар учун танланган машқ мақсадга мувофиқдир.

Дарс давомида биринчи-тўртинчи графа тўлдирилса, бешинчи олтинчи графа эса дарсдан кейин тўлдирилади. Биринчи графага ҳар қайси ўлчашнинг тартибли номери, иккинчисига кузатилувчи ўқувчининг фаолият мазмуни "оёқлар учида юриш", "югуриб келиб ўзунликка сакраш", "навбатдаги машқ бажариш навбатини кутиш ва ҳ.к. ёзилади, учинчисига - пульс ўлчанаётган вақт; тўртинчисига - 10 секунд давомида томир уришининг сони ёзилади.



## Амалиётчининг ҳисобот хужжатлари

### Р Ў Й Х А Т И

1. Амалиётчининг кундалик дафтари.
2. Амалиётчининг хар бир хафта учун шахсий иш режаси.
3. Бириктирилган синф учун йиллик, чораклик, хар дарслик иш режаси.
4. Бириктирилган синф учун дарс конспектлари (10 та)
5. Ёрдамчи синфлар учун дарс конспектлари (3 та)
6. 12 та дарс тахлили протоколи.
7. 3 та пульсометрия ва 3 хронометраж протоколи.
8. 1 та мусобака низоми.
9. 2 та укув – тренировка машгулоти конспекти.
10. Тарбиявий иш режаси (бириктирилган синф учун).
11. Тарбиявий мавзусидаги сухбат конспекти (синф раҳбари имзоси билан).
12. Амалиёт тўғрисидаги ёзма ва рақамли ҳисобот.
13. Амалиётчига мактаб директори, синф раҳбари ва жисмоний тарбия ўқитувчиси томонидан тасдиқланиб берилган тавсифнома.
14. Ўқувчига психологик – педагогик тавсифнома.

## ГЛОССАРИЙ

**Абсолют куч** – бу инсоннинг бирор-бир ҳаракатда ўз гавда оғирлигидан қатъий назар намоён қиласиган кучи.

**Адаптив жисмоний маданият** –жисмоний маданиятнинг бир қисми бўлиб,жисмоний маданиятнинг органларнинг функционал ҳолатига,ногиронларнинг таянч-харакат системасига мослаштирилган ҳамда уларнинг иш қобилиятини,мехнатга ва спорт йўналишидаги фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган тури.

**Актив эгилувчанлик**- инсоннинг ўз мускул кучланиши ҳисобига ҳаракатларни катта амплитудада бажариш қобилияти.

**Ақлий тарбия**- болани ақлий ривожлантириш ва унда кенг дунёқарашни шакллантиришга қаратилган мунтазам ҳамда мақсадли педагогик таъсир жараёни.

**Ахлоқий тарбия**- инсонда жамиятда ўзини тутиш одатлари ва малакаларини пайдо қилиш,, ахлоқий қарашларни мақсадли ривожлантириш,ахлоқий сезгини ривожлантириш жараёнидир. Тарбиянинг умумий тизисида ахлоқий тарбия етакчи ўрин тутади.

**Бакалавр, магистр** — олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар;

**Бакалавриат** — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;

**Гипотеза**- тажрибада текшириб кўрилишини ва назарий асосланишни,тасдиқланишини талаб қилувчи илмий таҳмин.

**Даволаш жисмоний тарбияси (харакат реабилитацияси)** - жисмоний маданиятнинг бир қисми бўлиб, жисмоний тарбиядан организмнинг касаллик,жароҳатланиш,чарчашиб ва бошқа сабаблар туфайли издан чиққан функцияларини тиклаш ва даволаш воситаси сифатида

фойдаланишдир.

**Дарснинг мотор(харакат) зичлиги-** бу дарс жараёнида ўқувчиларнинг ҳаракат бажаришга сарфлаган вақти бўлиб, ҳаракатларни бажаришга кетган вақтнинг умумий вақтга нисбати билан аниқланади.

**Дарснинг умумий зичлиги-** бу педагогик жиҳатдан рационал сарфланган вақтнинг умумий вақтга нисбатидир.

**Жисмоний камолот-** инсон организмининг ҳаёт талабларига оптимал мослашганлик,хар томонлама жисмоний ривожланганлиги ва тайёрланганлигининг тарихан асослаган идеали.

**Жисмоний маданият назарияси илмий фан сифатида-** жисмоний маданиятнинг можияти,ундан инсон жисмоний камолоти йўлида фойдаланиш қонуниятлари тўғрисидаги умумлаштирилган билимлар системасидир.

**Жисмоний маданият назарияси ўқув фани сифатида-** жисмоний тарбия ва спорт ихтисослиги бўйича профессионал таълим берувчи асосий мутахассислик фани.

**Жисмоний маданият тизими-** Ўзбекистон фуқароларининг жисмоний тарбиясини ташкиллаштирадиган,амалга оширадиган ва назорат қиладиган давлат ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятининг йиғиндисидир.

**Жисмоний маданият-** шахс ва жамият умумий маданиятининг бир қисми бўлиб,инсон жисмоний камолоти йўлида яратиладиган ва фойдаланиладиган моддий ва маънавий ютуқларнинг йиғиндисидан иборат.

**Жисмоний машқ-** жисмоний тарбия вазифаларини ҳал этишга қаратилган ва унинг қонуниятларига мос равишда шакллантирилган ҳамда фойдаланиладиган ҳаракатлардир.

**Жисмоний машқлар классификацияси-** бу жисмоний машқларни уларнинг хусусиятларига кўра гурухларга бўлиш.

**Жисмоний машқлар техникаси-** жисмоний машқларни бажаришнинг энг рационал ва самарали усули.

**Жисмоний маълумот-** жисмоний тарбиянинг таркибий қисми бўлиб,

инсонда харакат кўникмалари ва малакаларини шакллантиришга, шунингдек жисмоний тарбия бўйича билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

**Жисмоний нагрузка-** жисмоний машқларнинг шуғулланувчилар организмига таъсир даражаси бўлиб, тинч ҳолатга нисбатан организам функцияларининг ўзгариши билан характерланади.

**Жисмоний ривожланганлик-** наслий хусусиятлар, ташқи муҳит омиллари ва харакат фаоллиги даражасида инсон организми шакл ва функцияларининг ўзгариши жараёни ва натижасидир.

**Жисмоний тайёргарлик-** инсоннинг аниқ профессионал ёки спорт фаолиятида зарур бўладиган жисмоний қобилиятлари, харакат кўникмалари ва малакаларини ривожлантириш жараёни.

**Жисмоний тайёрланганлик-** харакат қобилиятларини ривожланганлик ва харакат малакаларининг эришилган шаклланганлик даражаси.

**Жисмоний тарбия дарсининг мазмуни-** таълимий, тарбиявий ва соғломлаштирувчи вазифаларни ҳал этиш мақсадида назарий билимларни ўзлаштириш ва жисмоний машқларни бажаришдан иборат фаолиятлар йиғиндиси.

**Жисмоний тарбия-** специфик мазмуни харакатларга ўргатиш, харакат қобилиятларини ривожлантириш, маҳсус жисмоний билимларни эгаллаш ва жисмоний машқлар билан шуғулланишга онгли эҳтиёж уйғотишдан иборат тарбия тури.

**Компетентлик-** маълум бир фаолиятда самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўлган билим ва тажрибалар йиғиндиси, компетенциялар жамланмасидир.

**Компетенция-** инсоннинг маълум бир фаолиятдаги билимлари, профессионал тажрибаси, харакат қилиш қобилияти ва хулқатвор кўникмалари бирлигидир.

**Комплекс назорат-** спортчининг тайёргарлик даражасини аниқлаш

мақсадида тренировка цикларида турли хил күрсаткичларни олиш ва баҳолаш.

**Координацион қобилиялар-** янги ҳаракатларни тез ўзлаштиришга имкон берувчи ҳаракат қобилиялари йиғиндиши, шунингдек беҳостдан пайдо бўладиган шароитларда ўз ҳаракатини тез қайта қуриш қобилиятидир.

**Куч-** инсоннинг ташқи қаршиликни мускул кучи ёрдамида енгиш қобилияти.

**Магистратура** — бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

**Макроцикл** — бу спорт тренировкасининг спорт формасини ривожланиши, стабиллашуви ва вактинча йўқотилиши билан боғлиқ, тугалланган бир қатор даврлар, босқичлар, мезоцикллардан иборат яrim йиллик (алоҳида холларда 3-4 ойлик), бир йиллик, кўп йиллик (масалан, тўрт йиллик олимпия цикли) катта циклидир.

**Малака амалиёти** — ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий қўникма ва ўқув ҳосил қилиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларнинг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми;

**Малака талаблари** — узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

**Махсус жисмоний тайёргарлик**- танланган спорт турида муваффақиятга эришишни таъминлайдиган ҳаракат қобилиялари, органлар ва функционал системаларни ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён.

**Махсус чидамлилик**- инсоннинг бирор иш фаолиятида чарчоқقا қарши туриш қобилияти ҳисобланади.

**Машғулот шакли**- машғулот жараёнини ўтказиш ва бошқариш шартлари йиғиндиши

**Машғулотларнинг дарс шакли**-барча шуғулланувчилар учун

мажбурий ва ягона дастур асосида ташкил қилиниши, синфлардаги ва гурухлардаги шуғулланувчилар контингентининг ўзгармаслиги, дарс жадвалининг стабиллиги,аниқ вақт рамкасининг ҳамда ташкилий- педагогик бошқарувнинг мавжудлиги билан характерланади.

**Машғулотнинг дарсдан ташқари шакллари-** машғулотларнинг нисбатан чекланган мазмун ва соддалаштирилган структураси билан характерланувчи, бироқ шахсий ташаббускорлик ва мустақилликни талаб қилувчи шаклидир.

**Машқ кўрганлик-** организмнинг тренировка юкламаларига функционал мослашуви даражаси бўлиб,жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш натижасида юзага келади ва инсон иш қобилиятини оширади.

**Мезоцикл-** 2 хафтадан 6 хафтагача давом этувчи,нисбатан тугалланган бир қатор микроциклардан иборат ўртacha тренировка циклидир.

**Методик приём-** конкрет педагогик вазиятда у ёки бу методни амалга ошириш ёки фойдаланиш усулидир.

**Методика** – педагогик вазифаларни ҳал этишга қаратилган методлар,методик приёмлар,воситалар ва машғулотни ташкил этиш шаклларининг аниқ бир системасидир.

**Меҳнат тарбияси-** ўсиб келаётган ёш авлодда меҳнат қилишга тайёр бўлишга,инсоннинг меҳнат тажрибасини ўзлаштиришга,меҳнатга аҳлоқий муносабат уйғотишга,шахсни ривожлантиришга қаратилган мақсадли жараён.

**Микроцикл-** тренировканинг кичик цикли бўлиб,одатда бир хафтага яқин давом этади ва икки ёки бир нечта тренировка машғулотидан иборатдир.

**Мусобақа-** спортчи фаолият кўрсатадиган, қобилиятларини объектив таққослайдиган ва максимал намоён бўлишини таъминлайдиган маҳсус соҳа

**Мусобақа фаолияти-** инсоннинг маҳсус ҳаракат фаоллиги бўлиб,одатда расмий мусобақалар шароитида инсоннинг руҳий ва жисмоний кучларини чегара даражасида намоён бўлишини талаб қиласиди

ҳамда якуний мақсади бўлиб, жамият учун аҳамиятли ва шахсий натижаларни ўрнатиш ҳисобланади.

**Назария-** фаннинг бирор бир соҳасида реал борлиқдаги предметлар,ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари тўғрисидаги асосий ғоялар.

**Нафосат тарбияси-** бу тарбияланувчиларда ҳаётга,мехнатга,таълим олишга,табиатга,санъатга,спортга,ўзига ва жамиятга нисбатан нафосат муносабатини мақсадли шакллантириш жараёни.

**Нисбий куч-** бирор бир ҳаракатда абсолют кучнинг инсон гавда вазнига нисбатига teng.

**Олий маълумот даражаси** — шахс томонидан олий таълимнинг муайян ўқув режалари ва фанлар дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси;

**Олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом)** — аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўқув режалари ва фанлар дастурини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқиши давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради;

Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалавриат ва магистратура.

**Олий таълим йўналишлари ва мутахassisliklari klassifikatori** — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахassisliklarining тизимлаштирилган рўйхати;

**Олий таълим муассасаси аккредитацияси** — олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

**Олий таълим муассасаси аттестацияси** — олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир;

**Олий таълим** — узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти** — муайян таълим соҳасига (соҳа таркибига) қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурый ва етарли даражасини, кадрлар тайёrlаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даражаси;

**Оператив назорат**- бу спортчининг оператив ҳолатини, жумладан навбатдаги уринишга, машқни бажаришга, кураш тушишга ва х.к.ларга тайёргарлигини назорат қилиш.

**Пассив эгилувчанлик**- ҳаракатни ташқи таъсир ёрдамида катта амплитудада бажариш қобилияти.

**Педагогик назорат**- бу режалаштирилган жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини қўлланилаётган восита, метод ва юкламаларнинг самардорлигини аниқлаш мақсадида текширишни таъминловчи комплекс тадбирлардир.

**Перспектив(истикболли) режалаштириш**- бу узок муддатга, одатда бир неча йилларга мўлжалланган режалаштиришdir.

**Портловчи куч**- қисқа вақт оралиғида катта куч намоён қилиш қобилияти(турган жойдан баландликка сакраш).

**Принцип (тамойил)**- бирор бир назария, таълимот, фан, дунёқараш ва х.к.да дастлабки асосий ҳолат.

**Пульсометрия**- дарсда ўқувчилар организмига тушадиган юкламанинг оптималлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган педагогик кузатув.

**Рекреатив жисмоний маданият**- жисмоний маданиятнинг бир қисми. Жисмоний машқлар ёрдамида дам олиш ва тикланиш.

**Рухий тайёргарлик**- бу спортчиларда тренировка фаолиятини самарали амалга ошириш, мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва унда ишнчли иштирок этиш учун зарур бўладиган шахсий ва рухий сифатларини

шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган психологик-педагогик таъсир системасидир.

**Спорт-** жисмоний маданиятнинг бир қисми бўлиб, инсоннинг мусобақаларга ва мусобақа фаолиятига юқори натижалар кўрсатиш учун маҳсус тайёргарлик амалиёти сифатида шаклланган.

**Спорт тренировкаси-** ихтисослашган спорт турида юқори натижалар кўрсатишга қаратилган педагогик жараёндир.

**Спорт фаолияти-** инсоннинг спорт соҳасида максимал соғломлашуви ва такомиллашувини таъминлашга қаратилган фаолиятни тартибли ташкиллаштириш.

**Спорт формаси-** спортчиний мусобақа фаолиятига руҳий, жисмоний, техник ва тактик жиҳатдан тайёргарлигининг юксак даражаси.

**Спорт ҳаракати**- оммавий ва юқори натижаларга қаратилган спорт соҳасидаги спорт амалиёти, ижтимоий оқим.

**Спортнинг функцияси-** спортнинг инсонга ва инсонлар муносабатига таъсир кўрсатадиган, шахс ва жамият эҳтиёжларини қондирадиган хусусиятлари.

**Стажировка (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш)** — магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш мақсадида таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрларни энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот олиб бориши.

**Стандарт техника-** барча спортчилар учун бир хил, ҳаракатларни бажаришнинг энг рационал ва илмий асосланган асосидир.

**Структура-** бу таркибий қисмларнинг нисбатан турғун

бирлашуви, уларнинг бир-бири билан қонуний муносабатидир.

**Тадқиқот методи**- маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тахлил қилиш усулидир.

**Тадқиқот обьекти**- бу ўрганиш учун танланган, муаммоли вазиятга эга ва тадқиқотчи учун манбаа бўлиб хизмат қиласиган воқеа ёки ҳодиса.

**Тайёрланганлик**- бу жисмоний тайёргарликнинг комплекс натижасидир (жисмоний қобилиятларнинг ривожланганлик даражаси); техник тайёргарлик (ҳаракат малакаларининг ривожланганлик даражаси); тактик тайёргарлик (тактик фикрлаш қобилиятининг ривожланганлик даражаси); рухий тайёргарлик (аҳлоқий ва иродавий сифатларнинг ривожланганлик даражаси).

**Тактик тайёргарлик**- маҳсус мусобақа фаолиятида баҳс олиб боришининг рационал шаклларини эгаллашга қаратилган педагогик жараён.

**таълим сифатини назорат қилиш** — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

**Тезкорлик**-инсоннинг ҳаракатларни қисқа вақи ичida максимал тезлика бажариш қобилияти.

**Термин**- фанда, техникада, санъатда ва х.к.ларда қўлланиладиган тушунчаларни таърифловчи сўз ва сўз биримлари.

**Техник тайёргарлик**- спортчи томонидан ихтисослашган спорт тури хусусиятларига мос, юқори спорт натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаракатлар системасини ўзлаштиришнинг педагогик жараёни.

**Техника асоси**- бу ҳаракат вазифасини амалга ошириш учун нисбатан ўзгармас ва етарли ҳаракатлар йигиндисидир.

**Техника деталлари**- ҳаракатнинг асосини бузмайдиган иккинчи даражали хусусиятларидир.

**Техниканинг бош звеноси**- ҳаракат вазифасини маълум бир усул билан ҳал этишда энг зарур ва ҳал қилувчи қисм.

**Тизим (система)**- фалсафий маънода-жамият ва табиат тўғрисидаги

бир-бири билан қонунан боғлиқ элементлар, предметлар, ҳодисалар ва шунингдек билимларнинг объектив бирлигидир.

**Ўқитиши сифатини назорат қилиш** — талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

**Ўқитишининг меъёрий муддати** — таълим оловчилар томонидан ўқув режалари ва фанлар дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

**Ўқув йили** — олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2001/2002 ўқув йили;

**Ўқув режаси** — олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчилиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат;

**Ўқув семестри** — олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми;

**Ўқув фани дастури** — таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат;

**Ўқув фани** — таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўнимкалар тизими;

**Ўқув фанлари блоки** — ўқув режалари ва фанлар дастурларининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми;

**Умумий жисмоний тайёргарлик**- спортчи организми системалари, функционал имкониятларини ва ҳаракат қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришга ҳамда мускул фаолиятида уларнинг самарали намоён

бўлишига қаратилган педагогик жараёндир.

**Умумий тактик тайёргарлик-** танланган спорт тури бўйича мусобақаларда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган билимлар ва тактик малакаларни эгаллашга қаратилган педагогик жараёндир.

**Умумий чидамлилик-** инсон организмининг паст интенсивликда узоқ вақт давом этадиган, мускул аппаратининг 3/2 қисми иштирок этадиган жисмоний ишда пайдо бўладиган чарchoқقا қарши туриш қобилияти( масалан, чанғида юриш, сузиш, эшкак эшиш ).

**Харакат фаоллиги-** инсоннинг ҳаётий фаолияти жараёнида бажарадиган ҳаракатлари йифиндисидир.

**Хронометраж-** дарснинг умумий а мотор зичлигини аниклаш мақсадида ўтказиладиган педагогик кузатув.

**Хулосалар-** муаллиф томонидан тадқиқит давомида олинган янгиликларнинг, тадқиқот якунларининг қисқача матн тарзида ёритилиши, тасдиқлардир.

**Харакат кўнимаси-** ҳаракатларни бажаришнинг автоматлашмаган даражаси бўлиб, бунда ҳаракатни бошқариш онгнинг тўла иштироки асосида амалга оширилади.

**Харакат қобилиятлари-** инсоннинг бирор бир ҳаракат фаолиятининг талабларига жавоб берувчи ва уни бажариш самарадорлигини таъминловчи морфологик ва психифизиологик хусусиятлари комплексидир.

**Харакат малакаси-** ҳаракатларни бажаришнинг автоматлашган даражасидир ( ҳаракатни бажаришда гўёки онг иштирок этмайди, аслида ҳар бир ҳаракат онгнинг функциясидир ).

**Харакат-** организмнинг мотор функцияси бўлиб, гавда ва унинг звенолари ҳолатини фазода ўзгаришидир.

**Харакат фаолияти-** конкрет ҳаракт вазифаларини ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар тизимиdir.

**Чидамлилик-** инсоннинг бирор бир фаолиятда чарchoқقا қарши туриш қобилиятидир.

**Эгилувчанлик-** таянч-харакат аппаратининг морфологик хусусияти бўлиб, инсон гавда звеноларининг ҳаракатчанлигини белгилайди, яъни ҳаракатларни катта амплитудада бажариш қобилиятидир.

**Якуний давлат аттестацияси** — бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1998й
- 2.Ўзбекистон Республикасининг ”Таълим тұғрисида”ги Қонуни.Тошкент., 1997 ыйл
- 3.Ўзбекистон Республикасининг ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”и.Тошкент.,1997 ыйл.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори.Тошкент,2017 ыйл 20 апрель.
- 5.Абдуллаев А,Хонкелдиев Ш. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти.Тошкент,2005 ыйл.
- 6.Ашмарин Б.А.Теория и методика физического воспитания.Москва,1990.
- 7.Гужаловский А.А.Основы теории и методики физического воспитания.Москва,1986
8. Матвеев Л.П.Теория и методика физической культуры.Москва,1991
9. Маҳкамжонов К.М.Жисмоний маданият назарияси ва методикаси.Тошкент,2008 ыйл.
- 10.Педагогик практика жараёнида студентларни мактабдаги тарбиявий ишларга тайёрлашға доир методик күрсатма. (Тузувчи О.Ҳасанбоева). Т., 1982.
- 11.Университет талабаларининг педагогик амалиёти тұғрисида низом. ТошДУ босмахонаси. Тошкент, 1999. 18 б.
- 12.Қаршибоев Ҳ.Қ., Сувонов О. Амалиётчи талабалар учун йўриқнома. Гулистон, 2006. 20 б.

## **Мундарижа**

<b>1. Сўз боши .....</b>	<b>3</b>
<b>2. Битиравчи босқич талабаларининг педагогик амалиёти.....</b>	<b>5</b>
<b>3. Битиравчи босқич талабалари педагогик амалиёти вазифалари.....</b>	<b>5</b>
<b>4. “Жисмоний маданият” ихтисослиги ЙУ-боқич талабаларининг умумтаълим мактабларидағи педагогик амалиёти дастури.....</b>	<b>7</b>
<b>5. Жисмоний маданият факультети “Жисмоний маданият” йўналиши ЙУ-босқич талабаларининг педагогик амалиёт дастур-режаси.....</b>	<b>10</b>
<b>6. “Жисмоний маданият” таълим йўналиши 4-bosқич талабаларининг педагогик амалиёт бўйича фаолиятларини баҳолаш рейтинг ишланмаси.....</b>	<b>14</b>
<b>7. Амалиёт бўйича методистнинг вазифалари.....</b>	<b>15</b>
<b>8. Амалиёт бўйича шахсий иш режаси.....</b>	<b>16</b>
<b>9. Амалиётчи кундалиги.....</b>	<b>16</b>
<b>10. Дарсни педагогик таҳлил қилиш учун вазифалар.....</b>	<b>17</b>
<b>11. Мактабдаги жисмоний тарбия дарсини таҳлил қилиш схемаси.....</b>	<b>18</b>
<b>19. Жисмоний тарбия бўйича ўқув ишларини режалаштириш.....</b>	<b>21</b>
<b>20. Жисмоний тарбия бўйича дарс конспекти.....</b>	<b>26</b>
<b>21. Мусобақа Низоми.....</b>	<b>29</b>
<b>22. Жисмоний тарбия дарсларида хронометраж олиб бориш.....</b>	<b>31</b>
<b>23. Жисмоний тарбия дарсларида пульсометрия ўтказиши.....</b>	<b>40</b>
<b>24. Амалиётчининг ҳисобот хужжатлари рўйхати.....</b>	<b>48</b>
<b>25.Глоссарий.....</b>	<b>49</b>
<b>26.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>61</b>